

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

46-сон
(182)
2005 й.
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

349. «Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 250-сон қарори
350. «Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юқларини ва техник кўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори

Бешинчи бўлим

351. «Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хайъатининг 2005 йил 12 ноябрдаги 35-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 12 ноябрда 1521-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 12 ноябрдан 18 ноябргача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

349 Айрим давлат кадастрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

«Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Қуйидагилар:

Давлат ўрмон кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси тегишли ваколатли органлар билан биргаликда мазкур қарор билан тасдиқланган низомларга мувофиқ давлат кадастрларининг шакллантирилиши ва юритилиши ҳақида 2006 ва 2007 йиллар июль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига ва Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 ноябрь,
250-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 15 ноябрдаги 250-сон қарорига
1-ИЛОВА

Давлат ўрмон кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Давлат ўрмон кадастри «Ўрмон тўғрисида», «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ушбу Низомга мувофиқ юритилади.

2. Давлат ўрмон кадастри — бу Давлат ўрмон кадастри объектлари, уларнинг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда иқтисодий баҳоси тўғрисидаги янгиланган бориладиган ишончли ахборотлар тизимидир.

3. Давлат ўрмон кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва ўрмонларнинг ҳимояланганлик тоифасини аниқлаш мақсадида, ўрмонлардан оқилона фойдаланишни, қўриқлашни, муҳофаза қилишни ва қайта тиклашни ташкил этиш, давлат ўрмон фонди ерлари тузилмасида рўй берадиган ўзгаришлар ҳужжатларини юритиш ва назорат қилишнинг ягона тартибини белгилаш учун юритилади.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ўрмонлар Давлат ўрмон кадастрининг объектлари ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси (кейинги ўринларда Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси деб юритилади) Давлат ўрмон кадастрини юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

6. Давлат ўрмон кадастри ўрмон муносабатларини тартибга солиш, ўрмонларни қўриқлаш, муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклашни ташкил этиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ўрмонлар тўғрисидаги ишончли кадастр ахборотлари билан таъминлаш учун мўлжалланган.

7. Қўйидагилар Давлат ўрмон кадастрини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча ўрмонларни тўлиқ камраб олиш; макон координатлари ягона тизимини ва ягона топография асосини қўлланиш; ўрмонлар тўғрисидаги кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;

кадастр ахборотларининг ишончилиги, кўргазмалилиги ва ҳужжатлилиги;

кадастр ахборотларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга қулайлиги.

8. Давлат ўрмон кадастрини юритиш Давлат ўрмон кадастри объектларини таксациялаш, ҳисобга олиш, баҳолашни ўтказиш билан таъминланади ҳамда Давлат ер кадастри ва Давлат бинолар ва иншоотлар кадастри ахборотларидан мажбурий фойдаланишни назарда тутди.

9. Давлат ўрмон кадастри объектларига тааллуқли ер участкалари, бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ваколатли органлар томонидан, кўчмас мулкка ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

10. Давлат ер кадастридан Давлат ўрмон кадастрига бериладиган Давлат ўрмон кадастри объектларига тааллуқли ер участкалари тўғрисидаги ер-кадастр ахборотларида ерларнинг мақсадли фойдаланилиши бўйича тузилмаси, ер участкаларига ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги (шу жумладан ерлардан фойдаланишда сервитутларда белгиланган мавжуд чеклашлар ва зўриқтиришлар тўғрисидаги маълумотлар), ерларнинг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

11. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан Давлат ўрмон кадастрига бериладиган Давлат ўрмон кадастри объектларига тааллуқли бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги кадастр ахборотларида улардан мақсадли фойдаланилиши, ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, асосий миқдор ва сифат тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

12. Давлат ўрмон кадастрини юритиш қоғоз ва/ёки электрон манбаларда амалга оширилади.

13. Давлат ўрмон кадастри объектлари тўғрисидаги тизимлаштирилган кадастр ахборотлари белгиланган тартибда Давлат кадастрлари ягона тизимига берилди.

14. Давлат ўрмон кадастрини юритиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади.

II. Давлат ўрмон кадастрини юритишни ташкил этиш

15. Давлат ўрмон кадастрини юритиш Давлат ўрмон кадастри бўлими ва Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳудудий бўлинмалари (ўрмон хўжаликлари) томонидан амалга оширилади.

Давлат ўрмон кадастрини юритиш ишларига умумий раҳбарлик Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан амалга оширилади.

Давлат ўрмон кадастрини юритишни методик таъминлаш Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

16. Давлат ўрмон кадастрини юритиш ушбу Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

17. Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг Давлат ўрмон кадастри бўлими:

Давлат ўрмон кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этишни ва унинг фаолиятини таъминлайди;

маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқади, маълумотлар базасининг тўғри тўлдирилишини назорат қилади;

Давлат ўрмон кадастри объектларининг миқдор ва сифат жиҳатидан ҳолати, иқтисодий баҳоси тўғрисидаги жорий ўзгаришларни тўплайди ва тизимлаштиради;

Давлат ўрмон кадастри объектларининг кадастр дафтарларини юритади, тизимлаштириш ва Давлат ўрмон кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш учун маълумотлар базасини тўлдиради;

Давлат ўрмон кадастри янги объектларини ҳисобга қўяди, улар тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотларини тўплайди;

кадастр ходимларини Давлат ўрмон кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими билан ишлашга ўқитишни ташкил қилади;

кадастр ахборотларини тизимлаштиради ва уларни Давлат ўрмон кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади;

Давлат ўрмон кадастри янги объектлари тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотларини назорат қилади;

кадастр ахборотларининг Давлат кадастрлари ягона тизимига тезкорлик билан беришни амалга оширади;

Давлат ўрмон кадастри объектларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботни Давлат кадастрлари ягона тизимига ҳар йили, белгиланган тартибда тақдим этади.

18. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимидан ташқарида фаолият кўрсатадиган Давлат ўрмон кадастри объектларининг мулкдорлари, шунингдек бошқа ҳуқуқлар эгалари Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ваколатли бўлимига Давлат ўрмон кадастри объектларининг географик ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда баҳоси тўғрисидаги ахборотларни, шунингдек уларнинг ҳолатидаги жорий ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиши шарт.

III. Давлат ўрмон кадастрини юритиш тартиби

19. Давлат ўрмон кадастрини юритиш Давлат ўрмон кадастри объектларининг барча турларини рўйхатлашни, уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини, иқтисодий баҳосини ҳисобга олишни, шунингдек кадастр ахборотларини тўплаш, таҳлил қилиш, ишлаш, тизимлаштириш, сақлаш, янгилаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор фойдаланувчиларга беришни ўз ичига олади.

20. Давлат ўрмон кадастри объектлари рўйхати уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ва иқтисодий баҳосини ҳисобга олиш учун асос ҳисобланади.

21. Давлат ўрмон кадастри объектларининг барча турлари бошланғич рўйхатга киритилиши керак. Бунда асосий кўрсаткичлар қайд этилади, уларнинг таркиби тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Рўйхат натижалари бўйича ҳар бир объект учун паспорт тузилади.

22. Миқдор ва сифат тавсифларининг асосий ҳисоби Давлат ўрмон кадастрининг ҳар бир объекти бўйича амалга оширилади.

Давлат ўрмон кадастри объектларининг миқдор ва сифат тавсифларида келгусида рўй берадиган ўзгаришлар жорий ҳисобга олишда қайд этилади.

23. Давлат ўрмон кадастри объектларининг миқдор ва сифат тавсифлари ҳисоби уларнинг иқтисодий, технологик, биологик ва экологик белгилари бўйича таснифини ўз ичига олади, уларнинг таркиби Давлат ўрмон кадастрини юритиш бўйича норматив ҳужжатларда белгиланади.

Давлат ўрмон кадастри объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишган ҳолда, кадастр ахборотларини тақдим этишнинг техник параметрлари ва форматлари ишлаб чиқилади.


Ҳужжати расмийлаштирилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ҳисобга олиш ахборотлари кадастр дафтарига ёзилади ва Давлат ўрмон кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади.

24. Давлат ўрмон кадастри объектларини иқтисодий баҳолаш солиқ солиш, хусусийлаштириш ва бошқа мақсадлар учун ҳар қайси объект қийматини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Давлат ўрмон кадастри объектларини иқтисодий баҳолаш уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Давлат ўрмон кадастри объектлари тўғрисидаги кадастр ахборотларининг ишончлилиги учун Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси таркибий ва ҳудудий бўлинмаларининг Давлат ўрмон кадастрини юритишни амалга оширувчи раҳбарлари жавоб берадилар.

Давлат ўрмон кадастрини юритиш схемаси



*) Кадастр ахборотларининг ҳаракат йўналишлари стрелкалар билан белгиланган.

1. Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ваколатли бўлинмаси Давлат ўрмон кадастри объектлари бўйича кадастр ахборотларини тўплайди.

2. Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ваколатли бўлинмаси ер кадастрдан ҳамда бинолар ва иншоотлар давлат кадастрдан ер участкалари, бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотларни олади.

3. Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ваколатли бўлинмаси кадастр ахборотларини Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлар базасига беради.

4. Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг ваколатли бўлинмаси сўровга кўра Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлар базасидан Давлат ўрмон кадастри бўйича ахборотлар олиши мумкин.

5. Давлат кадастрлари ягона тизимидан фойдаланувчилар сўровга кўра Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлар базасидан белгиланган тартибда Давлат ўрмон кадастри бўйича кадастр ахборотлари олиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 15 ноябрдаги 250-сон қарорига
2-ИЛОВА

Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Давлат шаҳарсозлик кадастри Шаҳарсозлик кодексига, «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ушбу Низомга мувофиқ юритилади.

2. Давлат шаҳарсозлик кадастри — бу Давлат шаҳарсозлик кадастри объектлари, уларнинг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда иқтисодий баҳоси тўғрисидаги янгилаб бориладиган ишончли ахборотлар тизимидир.

3. Давлат шаҳарсозлик кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва аҳоли пунктлари ҳамда қишлоқлар ўртасидаги ҳудудларни ривожлантиришни, ҳудудларни ривожлантириш тўғрисидаги шаҳарсозлик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш асосида ҳаёт фаолиятининг қулай соҳасини, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма тизимлари фаолиятини мақбуллаштиришни ахборотлар билан таъминлаш мақсадида юритилади.

4. Шаҳарсозлик фаолияти амалга ошириладиган аҳоли пунктлари ҳудудлари ва ҳудудларининг ҳамда қишлоқлар ўртасидаги ҳудудларнинг қисмлари Давлат шаҳарсозлик кадастрининг объектлари ҳисобланади.

Шаҳарсозлик фаолияти дейилганда давлат органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш соҳасидаги фаолияти, ер учаскаларидан фойдаланиш турларини белгилаш, фуқароларнинг, жамоатчилик ва давлат манфаатларини, шунингдек кўрсатиб ўтилган ҳудудлар ва аҳоли пунктларининг миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларни лойиҳалаш, қуриш ва реконструкция қилиш тушунилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш қўмитаси (кейинги ўринларда «Давархитектқурилиш» қўмитаси деб юритилади) Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

6. Давлат шаҳарсозлик кадастри давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни Давлат шаҳарсозлик кадастри объектлари тўғрисидаги ишончли маълумотлар билан таъминлаш учун мўлжалланган.

7. Қуйидагилар Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудини тўлиқ қамраб олиш;
макон координатлари ягона тизимини ва ягона топография асосини қўлланиш;
кадастр ахборотларини шакллантиришнинг методологиясининг ягоналиги;
кадастр ахборотларининг ишончилиги, кўргазмалилиги ва ҳужжатлилиги;

кадастр ахборотларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш кулайлиги.

8. Худудлардан амалда фойдаланилиши, фойдаланиш шартлари, шаҳарсозлик бойликлари ва худудда амал қиладиган шаҳарсозлик регламентлари тўғрисидаги ишончли маълумотлар Давлат шаҳарсозлик кадастрининг асосини ташкил қилади.

Шаҳарсозлик регламенти дейилганда аҳоли пунктлари ва худудларни қуриш қоидалари билан белгиланган шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда ер участкаларидан ҳамда аҳоли пунктлари ва қишлоқлар ўртасидаги худудларнинг кўчмас мулки бошқа объектларидан фойдаланиш параметрлари ва турлари йиғиндиси тушунилади.

Давлат шаҳарсозлик кадастри қуйидагилардан иборат бўлади:

топография-геодезия ва картография материаллари;

худудларнинг экологик, муҳандислик-геологик, сейсмик, гидрогеологик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектлари, шунингдек худудларнинг ободонлаштирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

худудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни ва уларни қуришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш тўғрисидаги маълумотлар;

худудларни зондлаш ва худудий зоналарнинг шаҳарсозлик регламентлари тўғрисидаги маълумотлар;

уй-жой фондининг техник ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

шаҳарсозлик фаолияти объектлари мониторинги маълумотлари.

9. Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш худудий архитектура ва қурилиш органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Давлат шаҳарсозлик кадастри объектлари тўғрисидаги маълумотларни мажбурий равишда текин беришни назарда тутати.

10. Кадастр ҳужжатлари Давлат шаҳарсозлик кадастри объектлари тўғрисидаги ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва режалаштириш маълумотларининг бошланғич манбаи сифатида қабул қилинади ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда барча давлат бошқаруви органлари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий кучга эга бўлади.

11. Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш қоғоз ва/ёки электрон манбаларда амалга оширилади.

12. Давлат шаҳарсозлик кадастри объектлари тўғрисидаги тизимлаштирилган кадастр ахборотлари белгиланган тартибда Давлат кадастрлари ягона тизимига берилади.

13. Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади.

II. Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритишни ташкил этиш

14. Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қуйидаги таркибий бўлинмалари:

«Давархитектқурилиш» қўмитасининг ваколатли ташкилоти;

худудий архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг ваколатли бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ишларига умумий раҳбарликни «Давархитектқурилиш» қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари амалга оширади.

Давлат шаҳарсозлик кадастрини методик таъминлаш «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан амалга оширилади.

15. Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш ушбу Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

16. «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ваколатли ташкилоти:

Давлат шаҳарсозлик кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этишни ва унинг фаолиятини таъминлайди;

маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқади, уни ҳудудий архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг ваколатли бўлинмаларига беришни амалга оширади, маълумотлар базасининг тўғри тўлдирилишини назорат қилади;

ҳудудий архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг ваколатли бўлинмалари ходимларини Давлат шаҳарсозлик кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими билан ишлашга ўқитишни ташкил қилади;

ҳудудий архитектура ва қурилиш бош бошқармалари томонидан тақдим этилган кадастр ахборотларини тизимлаштиришни ва уларни Давлат шаҳарсозлик кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритишни амалга оширади;

Давлат шаҳарсозлик кадастри янги объектлари тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотларини назорат қилади;

кадастр ахборотларини Давлат кадастрлари ягона тизимига тезкорлик билан беришни амалга оширади;

Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботни Давлат кадастрлари ягона тизимига ҳар йили белгиланган тартибда тақдим этади.

17. Ҳудудий архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг ваколатли бўлинмалари:

Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларининг миқдор ва сифат ҳолатидаги жорий ўзгаришларни тўплайди ва тизимлаштиради;

Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларининг кадастр дафтарларини юритади, маълумотлар базасини тўлдиради ва уларни тизимлаштириш ҳамда Давлат шаҳарсозлик кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш учун «Давархитектқурилиш» қўмитаси ваколатли ташкилотига беради;

Давлат шаҳарсозлик кадастри янги объектларини ҳисобга қўяди, улар тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотларини тўплайди.

III. Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш тартиби

18. Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш Давлат шаҳарсозлик кадастри объектлари барча турларини рўйхатлашни, уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини, иқтисодий баҳосини ҳисобга олишни, шунингдек кадастр ахборотларини тўплаш, таҳлил қилиш, ишлаш, тизимлаштириш, сақлаш, янгилаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор фойдаланувчиларга беришни ўз ичига олади.

19. Давлат шаҳарсозлик кадастри объектлари рўйхати уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ва иқтисодий баҳосини ҳисобга олиш учун асос ҳисобланади.

20. Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларининг барча турлари бошланғич рўйхатга киритилиши керак. Бунда асосий кўрсаткичлар қайд этилади, уларнинг таркиби «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан «Ергеозкадастр» давлат қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланадиган тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Рўйхат натижалари бўйича ҳар бир объект учун паспорт тузилади.

21. Миқдор ва сифат тавсифларининг асосий ҳисоби Давлат шаҳарсозлик кадастрининг ҳисобга қўйиш вақтида белгиланган тартибда тасдиқланган ҳар бир объекти бўйича амалга оширилади.

Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларининг тавсифларида келгусида бўладиган ўзгаришлар жорий ҳисобга олишда қайд этилади.

22. Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларининг миқдор ва сифат тавсифлари ҳисоби уларнинг иқтисодий, шаҳарсозлик ва экологик белгилари бўйича таснифини ўз ичига олади, уларнинг таркиби Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш бўйича норматив ҳужжатларда белгиланади.

Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишган ҳолда кадастр ахборотларини тақдим этишнинг техник параметрлари ва форматлари ишлаб чиқилади.


Ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ҳисобга олиш ахборотлари кадастр дафтарига ёзилади ва Давлат шаҳарсозлик кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади.

Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларини иқтисодий баҳолаш солиқ солиш, хусусийлаштириш ва бошқа мақсадлар учун ҳар қайси объектнинг қийматини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Давлат шаҳарсозлик кадастри объектларини иқтисодий баҳолаш уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Давлат шаҳарсозлик кадастри объектлари тўғрисидаги кадастр ахборотларининг ишончилиги учун Давлат шаҳарсозлик кадастри юритувчи «Давархитектқурилиш» қўмитаси ваколатли ташкилотларининг ва ҳудудий архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг ваколатли бўлинмаларининг раҳбарлари жавоб берадилар.

Давлат шаҳарсозлик кадастрини юритиш схемаси



* Кадастр ахборотларининг ҳаракат йўналишлари стрелкалар билан белгиланган.

1. ХАҚББ ваколатли бўлинмалари ДШК объеклари тўғрисидаги кадастр ахборотларини тўплайди.

2. ХАҚББ ваколатли бўлинмалари ДШК объеклари тўғрисидаги кадастр ахборотларини «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ДШКни юритиш бўйича ваколатли ташкилотига беради.

3. «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ДШКни юритиш бўйича ваколатли ташкилоти худудий архитектура ва шаҳарсозлик органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ДШК объеклари тўғрисидаги кадастр ахборотларини олади.

4. «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ДШКни юритиш бўйича ваколатли ташкилоти кадастр ахборотларини ДҚЯТ маълумотлар базасига беради.

5. «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ДШКни юритиш бўйича ваколатли ташкилоти сўровга кўра ДҚЯТ маълумотлар базасидан ДШК объеклари бўйича ахборотларни олиши мумкин.

6. «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ДШКни юритиш бўйича ваколатли ташкилотига ДШК объеклари бўйича зарур ахборотларни ХАҚББ ваколатли бўлинмаларига юборади.

7. ДҚЯТ ва ДШК маълумотлар базасидан фойдаланувчилар сўровга кўра ДШК объеклари бўйича кадастр ахборотларини белгиланган тартибда олиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 15 ноябрдаги 250-сон қарорига
3-ИЛОВА

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри «Чиқиндилар тўғрисида», «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ушбу Низомга мувофиқ юритилади.

2. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри — бу чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари, уларнинг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда иқтисодий баҳоси тўғрисидаги янгиланган бориладиган ишончли ахборотлар тизимидир.

3. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, ишлаш, сақлаш ва таҳлил қилишни таъминлаш мақсадида юритилади.

4. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш учун махсус ажратилган ва ускуналанган жойлар: саноат ёки маиший чиқиндилар полигонлари; хавфли чиқиндиларни кўмиш жойлари; чиқиндихоналар, кул-шлак ташлаш жойлари, фойдаланиб бўлингандан кейин кўмиб ташланадиган шлам тўплаш жойлари Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри объектлари ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси деб юритилади) Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

6. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри тўғрисидаги ишончли кадастр ахборотлари билан таъминлаш учун мўлжалланган.

7. Қуйидагилар Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси бутун ҳудудидаги чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойларини тўлиқ қамраб олиш;

макон координатлари ягона тизимини ва ягона топографик асосни қўлланиш;
барча объектлар бўйича кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;

кадастр ахборотларининг ишончилиги, кўргазмаллиги ва ҳужжатлилиги;

кадастр ахборотларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга қулайлиги;

8. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойларини хатловдан ўтказиш,

ҳисобга олиш, баҳолаш йўли билан таъминланади ва Давлат ер кадастри ҳамда Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри ахборотларидан мажбурий равишда фойдаланишни назарда тутаяди.

9. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри объектларига тааллуқли бўлган ер участкалари, бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ваколатли органлар томонидан, кўчмас мулкка ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

10. Давлат ер кадастридан Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрига бериладиган Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри объектларига тааллуқли ер участкалари тўғрисидаги ер-кадастр ахборотида мақсадли фойдаланилиши бўйича ерларнинг тузилмаси, ер участкаларига ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги (шу жумладан ерлардан фойдаланишда белгиланган сервитутлардаги мавжуд чеклашлар ва зўриқишлар тўғрисидаги маълумотлар), ерларнинг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

11. Бинолар ва иншоотлар давлат кадастридан Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрига бериладиган Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри объектларига тааллуқли бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги кадастр ахборотларида улардан мақсадли фойдаланилиши, ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, асосий миқдор ва сифат тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

12. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш қоғоз ва/ёки электрон манбаларда амалга оширилади.

13. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари тўғрисидаги тизимлаштирилган кадастр ахборотлари белгиланган тартибда Давлат кадастрлари ягона тизимига берилади.

14. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади.

II. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритишни ташкил этиш

15. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг қуйидаги таркибий бўлинмалари:

республика даражасида — Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Ерсув ресурслари бош бошқармаси;

ҳудудий даражада — Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари томонидан амалга оширилади.

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш ишларига умумий раҳбарлик Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси томонидан амалга оширилади.

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш методик таъминлаш Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

16. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш ушбу Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

17. Ер-сув ресурслари бош бошқармаси:

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этишни ва унинг фаолиятини таъминлайди;

маълумотлар базалари тузилмасини ишлаб чиқади, уларни Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг таркибий бўлинмаларига беришни амалга оширади, маълумотлар базасининг тўғри тўлдирилишини назорат қилади;

кадастр ходимларини Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими билан ишлашга ўқитишни ташкил қилади;

кадастр ахборотларини тизимлаштиради ва уларни Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборотлар тизимига киритади;

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри янги объектлари тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотларини тўплашни назорат қилади;

кадастр ахборотларининг Давлат кадастрлари ягона тизимига тезкорлик билан берилишини амалга оширади;

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри объектларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботни Давлат кадастрлари ягона тизимига ҳар йили белгиланган тартибда тақдим этади.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари:

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри объектларининг миқдор ва сифат ҳолатидаги жорий ўзгаришлар, уларнинг атроф муҳитга, иқтисодий баҳосига таъсири тўғрисидаги ахборотларни тўплайдилар;

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри объектларининг кадастр дафтарларини юритадилар, маълумотлар базасини тўлдирадилар ва уларни тизимлаштириш ва Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборотлар тизимига киритиш учун Ер-сув ресурслари бош бошқармасига берадилар;

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри янги объектларини ҳисобга қўядилар, шунингдек улар тўғрисидаги ҳисобга олиш ва баҳолаш ахборотларини тўплайдилар.

19. Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси тизимидан ташқарида фаолият кўрсатувчи, чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари мулкдорлари, шунингдек бошқа ҳуқуқлар эгалари Ер-сув ресурслари бош бошқармасига кадастр объектларининг жуғрофий ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда баҳоси тўғрисидаги, шунингдек уларнинг ҳолатидаги жорий ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиши шарт.

III. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш тартиби

20. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойларининг барча турларини рўйхатга олишни, объектларнинг миқдор ва сифат тавсифларини, иқтисодий баҳосини, шунингдек кадастр ахборотларини тўплаш, таҳлил қилиш, ишлаш, тизимлаш-

тириш, сақлаш, янгилаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор фойдаланувчиларга беришни ўз ичига олади.

21. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари рўйхати уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ва иқтисодий баҳосини ҳисобга олиш учун асос ҳисобланади.

22. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойларининг барча турлари бошланғич рўйхатга киритилиши керак. Бунда асосий кўрсаткичлар қайд этилади, уларнинг таркиби тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Рўйхат натижалари бўйича ҳар бир объект учун паспорт тузилади.

23. Миқдор ва сифат тавсифларининг асосий ҳисоби Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилишнинг ҳисобга қўйиш вақтида фойдаланишга топширилган ва фаолият кўрсатаётган ҳар қайси жойи бўйича амалга оширилади.

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш тавсифларида келгусида рўй берадиган ўзгаришлар жорий ҳисобга олишда қайд этилади.

24. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойларининг миқдор ва сифат тавсифлари ҳисоби уларнинг иқтисодий, технологик, биологик ва экологик белгилари бўйича таснифини ўз ичига олади, уларнинг таркиби Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш бўйича норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси билан келишган ҳолда кадастр ахборотларини тақдим этишнинг техник параметрлари ва форматлари ишлаб чиқилади.


Ҳисобга олиш ахбороти кадастр дафтарига ёзилади ва Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади.

25. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойларини иқтисодий баҳолаш чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш солиқ солиш, хусусийлаштириш ва бошқа мақсадлар учун ҳар бир жойнинг ҳолатини, қийматини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойларини иқтисодий баҳолаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

26. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари тўғрисидаги кадастр ахборотларининг ишончлилиги учун Ер-сув ресурслари бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритишни амалга оширувчи раҳбарлари жавоб берадилар.

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастрини юритиш схемаси



*) Кадастр ахборотларининг ҳаракат йўналишлари стрелкалар билан белгиланган.

1. Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари мулкдорлари, шунингдек бошқа ҳуқуқларнинг эгалари чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг ваколатли бўлинишларига тақдим этадилар.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг ваколатли бўлинишларидан ва ушбу объектларга бошқа ҳуқуқлар эгаларидан чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари тўғрисидаги кадастр ахборотларини тўплайдилар, кадастр йиғмажилдларини шакллантирадилар ва уларни Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ваколатли бўлинишига берадилар.

3. Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ваколатли бўлиниши Давлат ер кадастрдан ҳамда Бинолар ва иншоотлар давлат кадастрдан ер участкалари, бинолар ва иншоотлар тўғрисидаги ахборотларни олади.

4. Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ваколатли бўлиниши объект (чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари) ЧКУЖДКга киритилгандан кейин кадастр ахборотларини ДКЯТ маълумотлар базасига беради.

5. Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ваколатли бўлиниши сўров бўйича ДКЯТ маълумотлар базасидан чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари тўғрисидаги ахборотларни олиши мумкин.

6. Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ваколатли бўлиниши чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари объектлари бўйича зарур ахборотларни Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг ваколатли бўлинишларига юборади.

7. ДКЯТдан фойдаланувчилар сўровга кўра ДКЯТ ва ЧКУЖДК маълумотлар базасидан чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини белгиланган тартибда олиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 15 ноябрдаги 250-сон қарорига
4-ИЛОВА

Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Картография-геодезия давлат кадастри «Геодезия ва картография тўғрисида», «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ушбу Низомга мувофиқ юритилади.

2. Картография-геодезия давлат кадастри — бу Картография-геодезия давлат кадастри объектлари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди тўғрисидаги картография-геодезия маълумотлари, бажариладиган геодезия, топография ва картография ишлари тўғрисидаги, шу жумладан уларнинг миқдор ва сифат тавсифлари тўғрисидаги янгилаб бориладиган ишончли ахборотлар тизимидир.

3. Картография-геодезия давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

4. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Картография-геодезия давлат кадастрини ҳисобга олиш объектлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг барча масштаблардаги топографик хариталари;

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, шаҳарчалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг топографик режалари;

Ўзбекистон Республикасининг рақамли электрон хариталари;

Ўзбекистон Республикасининг навбатчи маълумотнома харитаси;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини аэрофото ва космик суратга олиш материаллари;

Ўзбекистон Республикаси давлат геодезия тармоқлари пунктлари ва реперлари;

ер участкалари чегараларини белгиловчи чегара тармоқлари пунктлари; геодезия пунктлари, реперлари, чегара белгилари координатлари ва баландликлари каталоглари;

геодезия, топография ва картография ишларини бажариш вақти, уларнинг бажарувчилари тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг қиймати.

5. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси деб юритилади) Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

6. Картография-геодезия давлат кадастри давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни картография-геодезия ахборотлари билан таъминлаш учун мўлжалланган.

7. Қуйидагилар Картография-геодезия давлат кадастрини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудини тўлиқ қамраб олиш;
кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;
кадастр ахборотларининг ишончилиги, қўрғазмаллиги ва ҳужжатлиги;
кадастр ахборотларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга қулайлиги.

8. Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш электрон ва/ёки қоғоз манбаларда амалга оширилади.

9. Картография-геодезия кадастрини юритиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади.

II. Картография-геодезия давлат кадастрини юритишни ташкил этиш

10. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг идоравий мансуб ташкилоти — Давлат геодезия назорати инспекцияси Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш ишларининг ижрочиси ҳисобланади.

Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш ишларига умумий раҳбарликни «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раиси амалга оширади.

Картография-геодезия давлат кадастрини юритишни методик таъминлаш «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

11. Давлат геодезия назорати инспекцияси:

геодезия, топография ва картография ишлари материалларининг Давлат геодезия назорати инспекциясига ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилади;

кадастр ахборотларини шакллантириш ва тақдим этиш форматларини ишлаб чиқади, уларнинг сифатини назорат қилади;

Картография-геодезия давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимини шакллантиришни ва унинг фаолиятини таъминлайди;

Картография-геодезия давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқади, маълумотлар базасининг тўғри тўлдирилишини назорат қилади;

ҳисобга олиш ва баҳолаш кадастр ахборотларини тизимлаштиради, шакллантиради ва уларни Картография-геодезия давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади;

кадастр ахборотларига бўлган талабни мунтазам равишда ўрганади, кадастрни юритиш технологиясини такомиллаштиришни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг картография-геодезия жихатидан ўрگانланлиги мониторингини юритади;

кадастр маълумотларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этади, улардан фойдаланиш тартиби ва шартларини белгилайди;

кадастр ахборотларини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишни таъминлайди;

тизимлаштирилган кадастр ахборотларининг Давлат кадастрлари ягона тизимига тезкорлик билан берилишини амалга оширади.

III. Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш тартиби

12. Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш ушбу Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

13. Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш қўйидагилардан иборат бўлади:

Картография-геодезия давлат кадастри объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш;

геодезия, топография ва картография ишлари материалларини тизимлаштириш, кадастр ахборотларини сақлаш ва янгилаш;

рўйхатга олиш ва иқтисодий баҳолаш, реестр дафтарларини юритиш;

кадастр ахборотларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор фойдаланувчиларга бериш.

14. Геодезия, топография ва картография ишлари материалларининг рўйхати уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ҳамда иқтисодий баҳосини ҳисобга олиш учун асос ҳисобланади.

15. Картография-геодезия давлат кадастри объектларининг барча турлари бошланғич рўйхатга киритилади, уларни яратиш учун биринчи марта геодезия, топография ва картография ишлари амалга оширилади, шунингдек илгари яратилган объектлар тўғрисидаги янгиланган маълумотлар ёзилади. Бунда шунингдек илгари йўқолган ва қайта тикланган геодезия белгилари ва реперлари, ишларнинг бажарувчилари тўғрисидаги маълумотлар, уларни бажариш муддатлари ва қиймати ҳам ёзилади. Рўйхат натижалари бўйича ҳар қайси объект учун паспорт тузилади.

16. Картография-геодезия давлат кадастри объектларини ҳисобга олиш хариталар номенклатураси бўйича, давлат геодезия тармоқлари класслари ва турлари бўйича, шу жумладан маъмурий-худудий бўлиниш бўйича ҳамда аҳоли пунктлари бўйича алоҳида амалга оширилади.


Картография-геодезия давлат кадастри объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун Давлат геодезия назорати инспекцияси кадастр ахборотларини тақдим этишнинг техник параметрлари ва форматларини ишлаб чиқади.

Ҳужжатли расмийлаштирилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ҳисобга олиш ахборотлари реестр дафтарига ёзилади ва Картография-геодезия давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборотлар тизимига киритилади.

17. Картография-геодезия давлат кадастри объектларини иқтисодий баҳолаш геодезия, топография ва картография ишларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

18. Картография-геодезия давлат кадастри объектлари тўғрисидаги кадастр ахборотларининг ишончилиги учун Давлат геодезия назорати инспекциясининг Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш зиммасига юкланган раҳбари жавоб беради.

Картография-геодезия давлат кадастрини юретиш схемаси



1. Геодезия, топография ва картография ишларини бажарувчилар КГДК объеклари бўйича бошланғич ахборотларни ДГНИ га тақдим этадилар.
2. ДГНИ тақдим этилаётган бошланғич материаллар белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда уларни пухталаштириш учун қайтаради.
3. ДГНИ КГДК объеклари бўйича кадастр ахборотларини ДКЯТ маълумотлар базасига беради.
4. ДГНИ сўров бўйича ДКЯТ маълумотлар базасидан ахборотларни олиши мумкин.
5. ДКЯТ, ДГНИ маълумотлар базасидан фойдаланувчилар сўровга кўра КГДК объеклари бўйича кадастр ахборотларини белгиланган тартибда олиши мумкин.

*) Кадастр ахборотларининг ҳаракат йўналишлари стрелкалар билан белгиланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

350 Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юкларини ва техник кўмаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 10 августдаги 192-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин, шунингдек баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 ноябрь,
251-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарорига
1-ИЛОВА

Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилган:

дастлабки техник-иқтисодий асослаш ёки техник-иқтисодий ҳисоблаш (кейинги ўринларда ДТИА {ДТИХ} деб аталади) — лойиҳани оқилона жойлаштириш ва амалга оширишнинг энг самарали техник, ташкилий ва иқтисодий ечимини танлашни, умуман лойиҳанинг чекланган қийматини, шу жумладан уни амалга оширишнинг вариантларини ва мумкин бўлган схемаларини қўриб чиқиш асосида технологик асбоб-ускуналар қийматини асословчи ҳужжат;

якуний техник-иқтисодий асослаш ёки техник-иқтисодий ҳисоблаш (кейинги ўринларда ТИА {ТИХ} деб аталади) — инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг танлов савдолари асосида аниқланган якуний, энг самарали техник, ташкилий ва молиявий-иқтисодий ечимларини белгиловчи ҳужжат;

ишчи лойиҳа — чекланган қиймат ва иш ҳужжатларига эга бўлган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар билан тасдиқланадиган қисмдан иборат ҳужжат;

халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар (кейинги ўринларда ХМШИИ деб аталади) — халқаро иқтисодий муносабатларни, шу жумладан валюта-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадида давлатлараро битимлар асосида ташкил этилган институтлар;

Ривожланишга Расмий Кўмаклашиш (РРК) линияси бўйича имтиёзли кредитлар берадиган **хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлар** (кейинги ўринларда ХХМТ деб аталади).

3. Лойиҳа ҳужжатларида қуйидаги асосий масалалар назарда тутилади:

хом ашё ва тайёр маҳсулотларни ташиш оқимлари схемалари;

ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш, иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқ тармоқлари билан алоқалар, ишлаб чиқаришни ҳисоблаш ва ташкил этиш;

ишлаб чиқаришни кадрлар билан таъминлаш;

қурилиш учун ажратилган ер участкасидан оқилона фойдаланиш, бинолар ва иншоотларнинг ҳажмий-режали, архитектура ва конструктив ечимлари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, бузилган ерларни тиклаш (экинлар ўсадиган қилиш) ҳамда ер остини муҳофаза қилиш, қувватларни ўзлаштириш.

Лойиҳа ҳужжатлари қурилишнинг бошланғич (чекланган) қийматини аниқлаш, танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш, танлов савдоларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

дастлабки техник-иқтисодий асослаш ёки дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш (кейинги ўринларда ДТИА {ДТИХ} деб аталади);

якуний техник-иқтисодий асослаш ёки техник-иқтисодий ҳисоблаш (кейинги ўринларда ТИА {ТИХ} деб аталади);

ишчи лойиҳа (кейинги ўринларда ИЛ деб аталади);
ишчи ҳужжатлар.

4. Лойиҳа ҳужжатлари лойиҳа ташаббускори ёки унинг буюртмаси бўйича — лойиҳаловчи ташкилот (танлов савдолари қолиби) томонидан тузиладиган лойиҳалаш юзасидан топшириқлар асосида ишлаб чиқилади.

II. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан топшириқларни тузиш ва тасдиқлаш тартиби

5. Лойиҳалаш юзасидан топшириқлар таркиби (кейинги ўринларда Топшириқ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан белгиланади.

6. Топшириқ қуйдагилар томонидан тасдиқланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси раҳбари томонидан, қуйдагилар учун ДТИА (ДТИХ)ни ишлаб чиқишда:

ушбу Низомнинг 8-банди «а» ва «б» кичик бандларига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари учун — лойиҳа ташаббускори тақдимномаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан ва (ёки) унинг қафолати остида жалб этилган кредитлар ҳисобига, шу жумладан ушбу Низомнинг 8-банди «а» кичик бандига мувофиқ халқаро молия институтлари кредитлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари учун — лойиҳа ташаббускори тақдимномаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда;

ушбу Низомнинг 8-банди «а» ва «б» кичик бандларига мувофиқ марказлаштирилмаган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган, қурилишнинг ҳисобланган қиймати тасдиқлаш кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банк курси бўйича эквивалентда — ишлаб чиқариш мақсадидаги 25 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлган ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги 15 млн АҚШ доллари бўлган инвестиция лойиҳалари учун — лойиҳа ташаббускори тақдимномаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда;

б) вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, лойиҳанинг ташаббускори бўлган ташкилотлар томонидан:

ушбу Низомнинг 8-банди «в» кичик бандига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари учун, қурилишнинг ҳисобланган қиймати тасдиқлаш кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича эквивалентда 5 млн АҚШ долларидан ортиқ бўлган ИЛни ишлаб чиқишда — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда;

ушбу Низомнинг 8-банди «а» ва «б» кичик бандларига мувофиқ марказлаштирилмаган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари учун, қиймати тасдиқлаш кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича эквивалентда қурилишнинг ҳисобланган ишлаб чиқариш мақсадидаги 15 млн АҚШ долларидан 25 млн АҚШ долларигача бўлган ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги 5 млн АҚШ долларидан 15 млн АҚШ долларигача бўлган ТИА (ТИХ)ни ишлаб чиқишда — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда;

в) қолган барча ҳолларда Топшириқ лойиҳа ташаббускори томонидан, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда тасдиқланади.

III. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиби

7. Лойиҳани амалга ошириш шартларига боғлиқ ҳолда лойиҳа ҳужжатлари қуйидагича изчилликда ишлаб чиқилади:

дастлабки ТИА — танлов ҳужжатлари — якуний ТИА — ишчи ҳужжатлар;
дастлабки ТИХ — танлов ҳужжатлари — якуний ТИХ — ишчи ҳужжатлар;
бошланғич қийматга эга бўлган лойиҳа — танлов ҳужжатлари — шартномавий қийматга эга бўлган якуний лойиҳа — ишчи ҳужжатлар.

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш вариантлари схемаси ушбу Низомга 1-иловада келтирилган.

8. Лойиҳани амалга ошириш вариантларини ва лойиҳа ҳужжатлари таркибини танлаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

а) ТИА (дастлабки ва якуний) ишлаб чиқилган ҳолдаги биринчи вариант — қуйидагилар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланилади:

давлат бюджети маблағлари — ишлаб чиқариш мақсадидаги объектлар бўйича («бошқа тармоқлар» объектларидан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан ва/ёки унинг кафолати остида жалб этилган кредитлар, шу жумладан халқаро молия институтлари кредитлари, хорижий банкларнинг кредит линиялари доирасида Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари томонидан қайта молиялаштириш йўли билан амалга ошириладиган кичик бизнес лойиҳалари бундан мустасно;

марказлаштирилмаган манбалар маблағлари — ишлаб чиқариш мақсадидаги объектлар бўйича;

б) ТИХ (дастлабки ва якуний) ишлаб чиқилган ҳолдаги иккинчи вариант — қуйидагилар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фойдаланилади:

давлат бюджети маблағлари — ишлаб чиқариш мақсадидаги «бошқа тармоқлар» объектлари ва яқка тартибдаги лойиҳани, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари бўйича амалга ошириладиган лойиҳани ишлаб чиқишда ижтимоий соҳа объектлари бўйича;

марказлаштирилмаган манбалар маблағлари — яқка тартибдаги лойиҳани ишлаб чиқишда ижтимоий соҳа объектлари бўйича;

в) ИЛни ишлаб чиққан ҳолдаги учинчи вариант — намунавий ва такрорий қўлланиладиган лойиҳаларни қўлланган ҳолда қуриладиган ишлаб чиқариш мақсадидаги «бошқа тармоқлар» ва ижтимоий соҳа объектлари бўйича (ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларига тўғри келадиган ҳоллардан ташқари), шунингдек аҳоли яшаш пунктларининг бош режаларида назарда тутилган муҳандислик коммуникациялари қурилишида фойдаланилади.

9. Инвестиция лойиҳасининг ДТИА (ДТИХ) ва ТИА (ТИХ)ни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш ушбу Низомнинг V ва VI бўлимларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. Лойиҳа ҳужжатларини тасдиқлаш

10. Қуйидагиларнинг маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган объектлар бўйича ДТИА (ДТИХ) ва ТИА (ТИХ) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади:

ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ марказлаштирилган манбалар — лойиҳа ташаббускори тақдимномаси бўйича, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва ваколатли банк (ваколатли банк кредитор ҳисобланадиган ҳолларда) тақдимномаси бўйича;

ҳисобланган қиймати тасдиқлаш кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича эквивалентда ишлаб чиқариш мақсадидаги 25 млн АҚШ долларидан ортиқ ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги 15 млн АҚШ доллари бўлган марказлаштирилмаган манбалар — лойиҳа ташаббускори тақдимномаси бўйича, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва ваколатли банк (ваколатли банк кредитор ҳисобланадиган ҳолларда) тақдимномаси бўйича.

11. Қуйидагилар:

марказлаштирилган манбалар маблағлари, ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилганлардан ташқари;

марказлаштирилмаган манбалар маблағлари, қурилишнинг ҳисобланган қиймати тасдиқлаш кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича эквивалентда ишлаб чиқариш мақсадидаги 5 млн АҚШ долларидан 25 млн АҚШ доллари-гача ҳамда ноишлаб чиқариш мақсадидаги 5 млн АҚШ долларидан 15 млн АҚШ доллари-гача бўлган маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган объектлар бўйича лойиҳа ҳужжатлари ташаббускорлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Қолган барча ҳолларда лойиҳа ҳужжатлари лойиҳа ташаббускори томонидан, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда тасдиқланади.

V. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг ДТИА (ДТИХ)ни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби

12. Инвестиция лойиҳасининг ДТИА (ДТИХ) ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ таркибга мувофиқ, зарур бўлганда, асосий техник ва технологик ечимларни ишлаб чиқишга архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича фаолиятнинг тегишли турларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган лойиҳалаш ташкилотларини ва инжиниринг компанияларини танлов асосида жалб этган ҳолда ишлаб чиқилади.

13. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган инвестиция лойиҳасининг ДТИА (ДТИХ) ни кўриб чиқиш ва улар бўйича хулоса тайёрлаш мазкур Низомнинг 8-банди «а» кичик бандига мувофиқ қуйидаги ваколатли экспертиза органлари томонидан икки босқичда амалга оширилади: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, шунингдек ваколатли банк (қарз олувчи (субқарз олувчи)нинг асосий ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатувчи ва (ёки) кредит берувчи банк) томони-

дан амалга оширилади. Ваколатли экспертиза органлари қайта ташкил этилган тақдирда хулоса ҳуқуқий ворис ташкилот томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ДТИА (ТИХ)ни экспертизадан ўтказиш унинг Шаҳарсозлик кодекси талабларига, норматив ҳужжатлар талабларига ва қурилишнинг қабул қилинадиган қийматининг шакланган бозор конъюнктурасига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ДТИА (ДТИХ) тақдим этилган вақтдан бошлаб уч кун муддатда амалга оширилади.

14. Биринчи босқичда, ДТИА (ДТИХ) тақдим этилган вақтдан бошлаб уч кун муддатда лойиҳани амалга оширишнинг принципиал имконияти ва мақсадга мувофиқлиги юзасидан эксперт хулосасини лойиҳа ташаббускорига қуйидагилар беришади:

а) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

ДТИА бўйича — иқтисодиётни барқарор, мутаносиб ривожлантиришни, ишлаб чиқариш кучларини мақбул равишда жойлаштиришни, таркибий қайта ўзгартиришларни, тармоқлараро кооперациялашни амалга оширишни, инвестиция сиёсатини рўёбга чиқаришни, ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни, шунингдек хом ашё ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар конъюнктурасини таъминлаш нуктаи назаридан лойиҳани амалга оширишнинг умумий иқтисодий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш юзасидан;

ДТИХ бўйича — ижтимоий аҳамиятини, ижтимоий соҳанинг алоҳида тармоқларини ва ишлаб чиқариш йўналишидаги «бошқа тармоқлар»ни ривожлантиришга доир Ҳукумат қарорларига мувофиқлигини, ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни ва уларни жойлаштиришни мақбуллаштиришни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш юзасидан;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги — ДТИА бўйича — тавсия этилаётган маркетинг концепцияси, жаҳон бозори конъюнктураси нуктаи назаридан тайёр маҳсулотларни сотиш истиқболлари, шунингдек техник даража ва ДТИАда тавсия қилинаётган технологияга мувофиқ асбоб-ускуналар нархларининг чекланган параметрлари асосида лойиҳани амалга ошириш имкониятини баҳолаш юзасидан. Талаб этиладиган асбоб-ускуналар (технологик линия)нинг тўлиқ ва батафсил рўйхати ташаббускор томонидан тақдим этилиши мумкин бўлмаган фавқулдда ҳолларда асбоб-ускуналарнинг техник даражаси ва улар нархларининг чекланган параметрлари якуний ТИА ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан баҳоланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги ўз ваколатлари доирасида ташаббускорларга инвестиция лойиҳалари бўйича ДТИАни ишлаб чиқишда, ички ва ташқи бозорларни уч-беш йиллик прогнозлаш даври учун маркетинг ишланмаларини ташкил этишда кўмаклашадилар.

15. Иккинчи босқичда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ижобий хулосалари мавжуд бўлган тақдирда, ДТИА (ДТИХ) тақдим этилган вақтдан бошлаб уч ҳафта муддатда лойиҳа ташаббускорига эксперт хулосани қуйидагилар тақдим этишади:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ДТИА бўйича — лойиҳанинг молиявий-иқтисодий самарадорлигини ва қопланувчанлигини, шунингдек молиялаштиришнинг тавсия этилаётган схемаси мақбуллигини баҳолаш юзасидан;

ДТИХ бўйича — молиялаштиришнинг тавсия этилаётган схемаси мақбуллиги юзасидан;

б) ваколатли банк — ДТИА бўйича, молиялаштиришнинг тавсия этилаётган схемасининг иқтисодий самарадорлиги, мақбуллиги, таваккалчиликларни ва кредитларнинг қайтарилувчанлигини баҳолаш юзасидан.

ДТИА (ДТИХ)да маблағлар тақчиллиги жалб этиладиган кредитларни бюджет маблағлари ҳисобига қайтариш назарда тутиладиган ижтимоий аҳамиятга эга объектлар бўйича ваколатли органлар ҳулосасида бюджет маблағларининг, шу жумладан солиқ имтиёзлари беришнинг мақсадга мувофиқлиги (мақсадга мувофиқ эмаслиги) ва ҳажмлари тўғрисидаги ҳулосалар мавжуд бўлиши керак.

Молиялаштириш бюджет маблағлари ҳисобига (бошқа манбалар иштирокисиз) амалга ошириладиган объектлар бўйича ваколатли банкнинг эксперт ҳулосаси талаб қилинмайди.

16. Ваколатли экспертиза органларининг ижобий ҳулосалари мавжуд бўлган тақдирда лойиҳа ташаббускори Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментига лойиҳанинг ДТИА (ДТИХ)ни икки нусхада ва ваколатли экспертиза органлари ҳулосасини киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаменти бир ҳафта муддатда лойиҳанинг ДТИА (ДТИХ) юзасидан ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича Комплекс раҳбари билан келишилган ҳулосани, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг ДТИА (ДТИХ)ни тасдиқлаш тўғрисидаги фармойиши лойиҳасини ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ келишиш ва имзолаш учун ҳужжатларни киритади.

17. Лойиҳа ташаббускори лойиҳанинг ДТИА (ДТИХ) юзасидан бир ёки бир нечта ваколатли экспертиза органи ҳулосасига рози бўлмаган тақдирда тегишли ахборот-таҳлил департаментига асосланган ҳулоса тақдим этишга ҳақлидир. Тегишли ахборот-таҳлил департаменти лойиҳанинг ДТИА (ДТИХ)ни ваколатли экспертиза органлари ва лойиҳа ташаббускорининг ҳулосаларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

18. Вазирлар Маҳкамасининг ДТИА (ДТИХ)ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорида лойиҳанинг номи, унинг ташаббускори, қурилишнинг чекланган қиймати (шу жумладан импорт технология ва бошқа асбоб-ускуналарни сотиб олиш харажатлари), объектнинг ҳисобланган қуввати (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг йиллик ҳажми ва номенклатураси), шунингдек иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, шу жумладан ушбу Низомга 3-иллованинг 2-бандига мувофиқ шакл бўйича экспорт ҳажмлари мавжуд бўлади.

19. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган лойиҳа ДТИА (ДТИХ)нинг ҳар қайси саҳифасига давлат тилида «Vazirlar Mahkamasining 200__ у. «__» _____dagi ___-son farmoyishi bilan tasdiqlangan» ёзуви ёзилган штемпел албатта қўйилган бўлади.

Тасдиқланган ДТИА (ДТИХ)нинг бир нусхаси лойиҳа ташаббускорига берилди, иккинчи нусхаси сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Умумий бўлимида қолади.

20. Лойиҳанинг тасдиқланган ДТИА (ДТИХ) параметрлари, шу жумладан харажатлар турлари бўйича молиялаштиришнинг чекланган лимитлари асосида лойиҳа ташаббускори томонидан пудратчиларни ва лойиҳа бўйича сотиб олинадиган технологик асбоб-ускуналарнинг етказиб берувчиларини аниқлаш учун тегишли равишда «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишиладиган танлов ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилади.

Хорижий кредитлар жалб этилган ҳолда амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича

танлов савдолари ўтказишда лойиҳани молиялаштиришнинг қатнашчилар томонидан таклиф этилаётган шартлари мақбуллиги ҳам ҳисобга олинади.

VI. Марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг ТИА (ТИХ)ни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби

21. Лойиҳанинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган ДТИА (ДТИХ), танлов савдолари натижасида танлаб олинган технологиялар ва бошқа асбоб-ускуналар бўйича таклифлар асосида лойиҳа ташаббускори томонидан ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ таркибга биноан инвестиция лойиҳасининг ТИА (ТИХ) ишлаб чиқилади.

22. Лойиҳанинг ТИА (ТИХ)ни экспертизадан ўтказиш у тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда, айти бир вақтда Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда ваколатли банк томонидан, ушбу Низомнинг 13, 14 ва 15-бандларида кўрсатилган ваколатли экспертиза органларидан ҳар бирининг ваколоти доирасида амалга оширилади.

Ваколатли экспертиза органларининг ижобий хулосалари мавжуд бўлган тақдирда лойиҳа ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментига лойиҳанинг ТИА (ТИХ)ни икки нусхада, ваколатли экспертиза органлари хулосаларини илова қилган ҳолда, шунингдек лойиҳани амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаменти бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ инвестиция лойиҳасининг якуний техник-иқтисодий параметрлари билан бирга кўриб чиқади ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ ҳужжатларни келишиш ва имзолаш учун киритади.

Лойиҳа ташаббускори лойиҳанинг ТИА (ТИХ) юзасидан бир ёки бир нечта ваколатли экспертиза органи хулосасига рози бўлмаган тақдирда тегишли ахборот-таҳлил департаментига асосланган хулоса тақдим этишга ҳақлидир. Тегишли ахборот-таҳлил департаменти лойиҳанинг ТИА (ТИХ)ни ваколатли экспертиза органлари ва лойиҳа ташаббускорининг хулосаларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Лойиҳа бўйича ТИА (ТИХ)нинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари Вазирлар Маҳкамасининг лойиҳани амалга ошириш бўйича қарорига илова сифатида тасдиқланади.

23. Лойиҳа бўйича ТИА (ТИХ)нинг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ҳар қайси саҳифасига давлат тилида «Vazirlar Mahkamasining 200__ у. «__» _____dagi ___-son qarori bilan tasdiqlangan» ёзуви ёзилган штемпел албатта қўйилган бўлади.

Тасдиқланган ТИА (ТИХ)нинг бир нусхаси лойиҳа ташаббускорига берилади, иккинчи нусхаси сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Умумий бўлимида қолади.

24. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун кредит линиялари ҳисобига тижорат банклари томонидан маблағ билан таъминланадиган инвестиция лойиҳаларининг ТИА (ТИХ)ни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон

қарори билан тасдиқланган Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун лойиҳаларни танлаб олиш ва хорижий кредитларни бериш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Ривожланишга Расмий Кўмаклашиш линияси бўйича имтиёзли кредитлар берадиган халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларнинг қарз маблағларини жалб этган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилаётган лойиҳаларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш тартиби

25. Ривожланишга Расмий Кўмаклашиш линияси бўйича имтиёзли кредитлар берадиган халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларнинг қарз маблағлари жалб этилган лойиҳаларни кўриб чиқиш ва тайёрлаш икки босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда:

лойиҳа ташаббускорлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигига ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига ХМИИ миссияларининг баҳолашдан олдинги ҳисоботлари асосида тайёрланган макроиқтисодий сиёсат ва тармоқни ривожлантириш стратегияси нуқтаи назардан лойиҳани амалга оширишнинг зарурлиги тўғрисидаги, лойиҳа қийматини дастлабки баҳолашни ва ХМИИнинг жалб этиладиган қарз маблағлари миқдорини ўз ичига оладиган таклифларни киритадилар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тақдим этилган таклифларни иқтисодиётни барқарор, мутаносиб ривожлантиришни, ишлаб чиқариш кучларини мақбул равишда жойлаштиришни, таркибий қайта ўзгартиришларни, тармоқлараро кооперациялашни амалга оширишни, инвестиция сиёсатини рўёбга чиқаришни, ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни, шунингдек хом ашё ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар конъюнктурасини таъминлаш нуқтаи назардан лойиҳани амалга оширишнинг умумий иқтисодий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш юзасидан кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги — таркибий қайта ўзгартиришларни амалга ошириш, лойиҳани молиялаштиришнинг дастлабки қиймати ва схемасининг мақбуллиги юзасидан кўриб чиқади;

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тавсия этилаётган маркетинг концепцияси, жаҳон бозори конъюнктураси нуқтаи назардан тайёр маҳсулотларни сотиш истикболлари, шунингдек техник даража ва ТИАда тавсия қилинаётган технологияга мувофиқ асбоб-ускуналар нархларининг чекланган параметрлари асосида лойиҳани амалга ошириш имкониятини баҳолаш юзасидан. Талаб этиладиган асбоб-ускуналар (технологик линия)нинг тўлиқ ва батафсил рўйхати ташаббускор томонидан тақдим этилиши мумкин бўлмаган фавқулодда ҳолларда асбоб-ускуналарнинг техник даражаси ва улар нархларининг чекланган параметрлари якуний ТИА ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан баҳоланиши мумкин.

лойиҳани амалга оширишнинг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифлар келишиб олингандан кейин Ўзбекистон Республикаси билан ХМИИ ўртасидаги ўзаро ҳамфикрлик тўғрисидаги меморандум белгиланган тартибда имзоланади.

Иккинчи босқичда:

лойиҳа ташаббускори ХМШИ баҳоловчи миссиясининг ҳисоботи асосида, ушбу Низомга 4-иловага биноан ТИА таркибига мувофиқ ТИАни ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги лойиҳанинг ТИА экспертизасини ушбу Низомнинг V бўлимига мувофиқ амалга оширадилар;

ТИАни тасдиқлаш ушбу Низомнинг VI бўлимига мувофиқ амалга оширилади.

26. ТИА (ТИХ) мазкур Низомнинг VI бўлимига мувофиқ тасдиқлангандан кейин доирасида танлов (тендер) савдолари ўтказиш назарда тутилаётган лойиҳанинг ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишган ҳолда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқади ва танлов (тендер) савдолари бюджетини аниқлайди.

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш схемаси



Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини
ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Дастлабки техник-иқтисодий асослаш (ДТИА) таркиби

1. Лойиҳанинг мақсади.
2. Объектнинг тавсифи — ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмасининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари, ишчи кучлари мавжудлиги, ижара қиймати, ишлаб чиқариш бинолари ва ёрдамчи биноларни сотиб олиш ёки уларни янгидан қуриш имкониятлари ва бошқалар.
3. Шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда, корхона (иншоот)ни жойлаштириш райони ва пунктни танлашнинг асосланиши.
4. Архитектура-қурилиш ва ҳажмий-режалаштиришнинг принципиал ечимлари ва уларнинг асосий кўрсаткичлари.
5. Қурилиш ва ишлатишда зарарли ташланмалар ва оқова сувларнинг тавсифи ва ҳажми, атроф муҳитни ифлослантиришнинг олдини олиш тадбирлари.
6. Муҳандислик таъминоти ва объектни жиҳозлаш (сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик, газ, электр энергияси билан таъминлаш, иситиш, шамоллатиш ва ҳаво ҳароратини бирхиллаштириш) бўйича принципиал ечимлар.
7. Технологиянинг тавсифи ва технология асбоб-ускуналари вариантларининг асосий кўрсаткичлари (қуввати, энергетика ва моддий ресурслар истеъмоли ва бошқалар).
8. Маркетинг тадқиқотлари натижалари, улар:
 - ташқи ва ички бозорлар конъюнктурасини ўрганишга асосланган, тайёр маҳсулотни ички бозорда сотиш, шунингдек экспорт қилиш имкониятларини;
 - потенциал истеъмолчилар томонидан талаб ва рақобатчилар томонидан таклиф ўрганилганлигини;
 - маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирларининг мавжудлигини;
 - лойиҳанинг энг аввало арзон нархдаги, талаб қилинадиган миқдор ва сифатдаги маҳаллий хом ашё ва бошқа моддий ресурслар билан таъминланганлигини;
 - асбоб-ускуналарга қўйиладиган асосий талабларни, табиий-иқлим, ишлаб чиқариш омиллари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда ватанимиз технологияларини ва хорижий технологияларни қиёслаш таҳлилига асосланган самарали ишлаб чиқариш технологияси, принципиал техник ечимлар танланганлигини;
 - таклиф этилаётган ишлаб чиқаришнинг мақбул ҳажмини;
 - лойиҳани амалга ошириш, шу жумладан унинг инвестиция фазаси муддатларини тасдиқлаши керак.
9. Лойиҳа ташаббускорининг техник ва молиявий имкониятларига асосланган лойиҳани амалга оширишнинг дастлабки схемаси, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган ресурсларнинг мавжудлиги ва қиймати (шу жумладан ЭМВда).
10. Танланган вариант асосида қурилишнинг чекланган қиймати, шу жумладан инжиниринг кузатувига, ДТИАни ва лойиҳанинг якуний техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга, технология асбоб-ускуналарига, ер участкаси ажратишга, бинолар ва иншоотлар қурилишига харажатлар, шунингдек айланма капиталнинг, жалб этиладиган кредитлар бўйича молиявий чиқимлар ва бошқаларнинг ЭМВ ва миллий валютадаги қиймати.
11. Лойиҳа юзасидан харажатлар таркиби бўйича молиялаштириш схемаси.

12. Лойиҳа таваккалчиликларининг таҳлили.

13. Барча инвестициялар базасида соф дисконт даромад нулга тенг (молиявий баҳолаш) бўлган давр сифатида ҳисоблаб чиқилган лойиҳанинг ЭМВдаги молиявий-иқтисодий самарадорлигининг, ўзини ўзи қоплаши муддатининг ҳисоб-китоблари, лойиҳанинг якуний қийматиغا асосланган кредитларни қайтаришнинг ҳисоб-китоблари.

Дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш (ДТИХ) таркиби

1. Лойиҳанинг мақсади.

2. Объектнинг тавсифи — ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмасининг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари, ишчи кучлари мавжудлиги, ижара қиймати, ишлаб чиқариш бинолари ва ёрдамчи биноларни сотиб олиш ёки уларни янгидан қуриш имкониятлари ва бошқалар.

3. Шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда, корхона (иншоот)ни жойлаштириш райони ва пунктини танлашнинг асосланиши.

4. Архитектура-қурилиш ва ҳажмий-режалаштиришнинг принципаал ечимлари ва уларнинг асосий кўрсаткичлари.

5. Қурилиш ва ишлатишда зарарли ташланмалар ва оқова сувларнинг тавсифи ва ҳажми, атроф муҳитни ифлослантиришнинг олдини олиш тадбирлари.

6. Муҳандислик таъминоти (сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик, газ, электр энергияси билан таъминлаш, иситиш, шамоллатиш ва ҳавони тозалаш) ва жиҳозлаш бўйича принципаал ечимлар.

7. Технологиянинг тавсифи ва технология асбоб-ускуналари вариантларининг асосий кўрсаткичлари (қуввати, энергетика ва моддий ресурслар истеъмоли ва бошқалар).

8. Лойиҳа ташаббускорининг техник ва молиявий имкониятларига асосланган лойиҳани амалга оширишнинг дастлабки схемаси, лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўладиган ресурсларнинг мавжудлиги ва қиймати (шу жумладан ЭМВда).

9. Танланган вариант асосида қурилишнинг чекланган қиймати, шу жумладан инжиниринг кузатувиغا, ДТИХни ва лойиҳанинг якуний техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга, технология асбоб-ускуналарига, ер участкаси ажратишга, бинолар ва иншоотлар қурилишига харажатлар, шунингдек айланма капиталнинг, жалб этиладиган кредитлар бўйича молиявий чиқимлар ва бошқаларнинг ЭМВ ва миллий валютадаги қиймати.

10. Лойиҳа юзасидан харажатлар таркиби бўйича молиялаштириш схемаси.

Изоҳ. Ишлаб турган ва янгидан фойдаланишга топшириладиган ижтимоий соҳа муассасаларини жиҳозлаш учун жалб қилинадиган хорижий кредитлар ҳисобига асбоб-ускуналар харид қилишда ДТИА (ДТИХ) тузилмайди.

Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини
ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

«Келишилган»
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
комплекси раҳбари
200 йил «___» _____

Инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асосланиши (ДТИА) юзасидан хулоса

(лойиҳанинг номи)

инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асосланиши қуйидаги
ваколатли экспертиза органларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтди:

Ваколатли экспертиза органлари:	Хулоса натижаси (тавсия этилди/рад этилди)
Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги	
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	
Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси	
Ваколатли банк (банклар)	

Инвестиция лойиҳасининг ДТИАдаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар:

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ҳам- маси	Молиялаштириш манбалари		
				Бюджет	Кредитлар, шу жумладан хорижий кредитлар, ХМШИ қарзлари ҳам шу жумлага киради	Марказ- лаштирил- маган маблағлар (ўз маблағ- лари)
1	Қурилишнинг чекланган қиймати	минг доллар, млн сўм				
	Шу жумладан: машина ва асбоб-ускуналар ЭМВда маҳаллий валютада Қурилиш-монтаж ишлари ЭМВда маҳаллий валютада Инвестиция давридаги молиявий харажатлар ЭМВда маҳаллий валютада Дастлабки айланма капитал ЭМВда маҳаллий валютада Бошқа харажатлар ЭМВда маҳаллий валютада	минг долл. млн сўм минг долл. млн сўм минг долл. млн сўм минг долл. млн сўм минг долл. млн сўм				

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ҳам-маси	Молиялаштириш манбалари		
				Бюджет	Кредитлар, шу жумладан хорижий кредитлар, ХМЙИ қарзлари ҳам шу жумлага қиради	Марказлаштирилмаган маблағлар (ўз маблағлари)
2	Корхонанинг қуввати, шу жумладан: - ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми -экспорт ҳажми*	Тегишли бирликларда				
3	Иш билан таъминланадиганларнинг мўлжалланаётган сони	киши				
4	Қурилиш муддати	ой				
5	Яратилаётган асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати	минг АҚШ доллари (эквивалентда) млн сўм				
6	Лойиҳанинг ўзини қоплаш муддати*	йил				
7	Кредитни ва бошқа қарз маблағларни қайтариш муддати	йил				
	шу жумладан валюта маблағларини қайтариш муддати	йил				

(лойиҳанинг номи)

инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асосланиши кўрсатиб ўтилган асосий кўрсаткичлар билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Изоҳ. *Кўрсатиб ўтилган бандлар ДТИХни тасдиқлашда тўлдирилмайди.

Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш (ТИА) ТАРКИБИ

1. Лойиҳанинг мақсади (резюме).
2. Лойиҳанинг буюртмачиси:
 - 2.1. Реквизитлар, мақоми, таркиби;
 - 2.2. Бозордаги аҳвол, мавжуд амалий алоқалар ва амалий репутация;
 - 2.3. Мавжуд ва прогноз қилинаётган салоҳият;
 - 2.4. Иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар.
3. Лойиҳа стратегияси (лойиҳани яратиш тарихи ва шарт-шароитлари).
4. Маркетинг бозори ва концепцияси:
 - 4.1. Талаб ва таклиф;
 - 4.1.1. Бозор тузилмаси ва тавсифи. Маҳсулот тавсифи, унинг бозорда рақобатга бардошлилиги;
 - 4.1.2. Тармоқнинг мавжуд салоҳияти, рақобатчи корхоналар, тармоқни ривож-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

лантириш истикболлари ва муаммоларини баҳолаш, худудий жойлаштириш, махсулот сифати;

4.1.3. Тармоқнинг миллий иқтисодиётдаги роли, унинг устуворликлари ва мақсади;

4.1.4. Мавжуд талаб, унинг ўсишини прогноз қилувчи асосий омиллар ва кўрсаткичлар;

4.1.5. Импорт ва унинг келгусидаги тенденциялари, ҳажми ва нархлари;

4.2. Маркетинг концепцияси, сотиш прогнози;

4.2.1. Бозорларнинг жойлашган жойи, бозор сегментацияси;

4.2.2. Мавжуд потенциал маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан кутилаётган рақобат;

4.2.3. Сотиш дастури, сотишни ташкил этиш;

4.3. Фойдаланиладиган савдо маркалари ва махсулотнинг патент тозалиги;

4.4. Маркетинг харажатларини баҳолаш.

5. Моддий ресурслар:

5.1. Хом ашё, материаллар, компонентлар таснифи;

5.1.1. Хом ашё базасининг мавжудлиги, хом ашёнинг қидириб топилган захиралари;

5.1.2. Хом ашё сифатига ва уни тайёрлаш усулларига қўйиладиган талаблар, маҳаллий хом ашёнинг технологиялар талабларига мувофиқлиги;

5.2. Лойиҳа бўйича эҳтиёж, материаллар ва компонентларнинг мавжудлиги ва улар билан таъминланиш, уларнинг таснифи, етказиб бериш дастури;

5.3. Энергия ресурслари билан таъминлаш;

5.4. Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш.

6. Объектнинг жойлашган жойи:

6.1. Танланган участканинг тавсифи;

6.1.1. Хом ашё бозорларидан узоқлик ва тайёр махсулотни сотиш, транспорт коммуникациялари;

6.1.2. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани баҳолаш;

6.1.3. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш хусусиятларини ҳисобга олиш, афзаллик ва чеклашлар;

6.1.4. Экология, атроф муҳитга таъсир (умумий ахборот);

6.2. Асосий позициялар бўйича участкани танлаш асослари;

6.3. Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш.

7. Лойиҳалаштириш ва технология:

7.1. Йиллар бўйича ўзлаштирган ҳолда ишлаб чиқариш қуввати;

7.2. Технология ва асбоб-ускуналар;

7.2.1. Технология ва асбоб-ускуналарни, технологик жараён схемаларини танлашни асослаш, афзалликлар ва камчиликлар, асбоб-ускуналарнинг ишончилиги ва етказиб берувчининг кафолати;

7.2.2. Технологиянинг атроф муҳитга таъсири;

7.2.3. Асбоб-ускуналарни жойлаштириш схемаси:

ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари;

ёрдамчи асбоб-ускуналар;

сервис асбоб-ускуналари;

эҳтиёт қисмлар, анжомлар;

7.2.4. Ноу-хауни бериш шартлари, ходимларни ўқитиш;

7.2.5. Махсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги. Ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг ИСО 9000 серияси талабларига мувофиқлигини таъминлаш тадбирлари ҳамда уларни амалга ошириш харажатлари;

- 7.2.6. Маҳаллийлаштириш истиқболлари (республика ҳудудида бутловчи буюмлар ва компонентларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятлари);
- 7.3. Қурилиш;
- 7.3.1. Вазиятли режа;
- 7.3.2. Бош режа схемаси, бинолар ва корпусларнинг жойлашиши;
- 7.3.3. Принципиал ҳажмли-режалаштириш ва конструктив ечимлар, уларнинг параметрлари, алоҳида талаблар;
- 7.3.4. Участкани тайёрлаш ва ўзлаштириш;
- 7.3.5. Муҳандислик коммуникациялари;
- 7.3.6. Қурилиш-монтаж ишларининг пул ифодасидаги ҳажмлари;
- 7.4. Тугалланмаган қурилишни ҳисобга олган ҳолда харажатларни баҳолаш.
8. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қўшимча харажатлар:
- 8.1. Корхонанинг ташкилий тузилмаси;
- 8.2. Қўшимча харажатлар (умумзавад, маъмурий);
- 8.3. Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш.
9. Меҳнат ресурслари:
- 9.1. Меҳнат ресурсларига эҳтиёж ва уларнинг мавжудлиги;
- 9.2. Кадрларга қўйиладиган талаблар, уларни ўқитиш зарурияти ва ўқитишни ташкил этиш;
- 9.3. Бўлим бўйича харажатларни баҳолаш.
10. Лойиҳани амалга ошириш схемалари:
- 10.1. Лойиҳани амалга ошириш босқичлари;
- 10.2. Лойиҳани амалга ошириш жадвали;
- 10.3. Лойиҳани амалга ошириш бюджети.
11. Лойиҳани амалга ошириш вариантларини молиявий баҳолаш:
- 11.1. Тўлиқ инвестиция харажатлари;
- 11.2. Лойиҳани молиялаштириш: молиялаштириш механизми ва манбалари;
- 11.3. Сотилган маҳсулотларга тўлиқ чиқимлар;
- 11.4. Қарз маблағларининг (улардан фойдаланилган тақдирда) қопланишини ва ўз вақтида қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий самарадорликни баҳолаш, валютанинг қопланиши;
- 11.4.1. Лойиҳанинг асосий таваккалчиликларга сезгирлиги;
- 11.4.2. Соф жорий қиймат кўрсаткичлари ва капитал қўйилмаларнинг ички қайтарилувчанлиги нормалари;
- 11.5. Молиявий натижаларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини баҳолаш.
12. Хулосалар:
- 12.1. Лойиҳанинг асосий афзалликлари ва камчиликлари;
- 12.2. Қабул қилинган вариантнинг муқобил вариантлардан афзалликлари;
- 12.3. Ноаниқлик таваккалчиликлари ва жиҳатлари;
- 12.4. Лойиҳани амалга ошириш имкониятини баҳолаш.
13. «А» илова:
- «А» иловада эркин шаклда, миллий ва хорижий валюта харажатини алоҳида акс эттирган ҳолда молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар схемаси, шу жумладан қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:
- 13.1. Асосий капиталга инвестициялар;
- 13.2. Ишлаб чиқаришдан олдинги харажатлар;
- 13.3. Сотилган маҳсулотларга чиқимлар;
- 13.4. Соф айланма капиталга эҳтиёж;
- 13.5. Молиялаштириш манбалари ва режаси;

- 13.6. Қарз маблағларидан фойдаланиш ва уларни қайтариш;
 - 13.7. Солиқ солишнинг амалдаги тизимини ва мажбурий тўловларни ҳисобга олган ҳолда мавжуд маблағлар (аниқ пуллар) оқими;
 - 13.8. Мавжуд маблағларнинг дисконтланган оқими;
 - 13.9. Дисконт фойда;
 - 13.10. Фойда ва зарарлар прогнози;
 - 13.11. Прогноз қилинаётган баланс.
14. «Б» илова:
- «Б» иловада тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари, шу жумладан қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:
- 14.1. Юридик ҳужжатлар:
 - корхона устави ва таъсис шартномаси;
 - ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи лицензия, агар фаолият тури махсус лицензиялар талаб қилинадиган фаолиятнинг алоҳида турлари рўйхатига кирса;
 - раҳбарлар, асосий менежерлар, директорлар кенгаши, корхона аниқ мулкдорларининг қисқача биографик маълумотлари;
 - 14.2. Контракт ҳужжатлари:
 - асбоб-ускуналар етказиб бериш ёки объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш юзасидан контракт;
 - қурилиш пудрати ва қурилишни моддий таъминлаш шартномаси;
 - хом ашё, бутловчи буюмлар етказиб бериш ва тайёр маҳсулотларни харид қилиш шартномаси (мўлжаллар протоколи);
 - лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар;
 - 14.3. Смета ҳужжатлари ва молиявий ҳужжатлар:
 - қурилишнинг смета ҳужжатлари;
 - корхона (қарз олувчи, инвесторлар, кафиллар, лойиҳа бўйича гарантлар)нинг кейинги уч йил учун солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган тўлиқ бухгалтерия (ҳар чораклик) ҳисоботлари;
 - бошқа банклардаги ҳисоб рақамлари, қарз маблағлари ва уларни қайтариш шартлари тўғрисидаги маълумотнома;
 - хорижий шериклар (муассислар) тўғрисидаги маълумотлар — кейинги икки йил учун халқаро стандартлар бўйича (таниқли аудитор компания томонидан тасдиқланган) йиллик ҳисобот;
 - 14.4. Эксперт ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар:
 - идорадан ташқари экспертиза («Давархитектқурилиш» қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси), мустақил консалтинг ташкилотининг танланган технология ва технология асбоб-ускуналари бўйича хулосалари;
 - сотиб олинadиган асбоб-ускуналарнинг техник паспортлари ва уларнинг танлов асосида танланишини тасдиқловчи ҳужжатлар;
 - кадастр (гаровга берилadиган ер ҳамда бино ва иншоотлар кадастри) ва мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар;
 - асосий ишлаб чиқариш биноларининг технология асбоб-ускуналари жойлаштирилган ҳолдаги схемаси;
 - 14.5. Тайёр маҳсулотни сотиш ва хом ашё, материаллар харид қилиш маркетинг тадқиқотлари бўйича ҳужжатлар.
15. Техник-иқтисодий ҳисоблашни ишлаб чиқишда техник-иқтисодий асослашлар таркибидан қуйидаги бандлар ва кичик бандлар чиқариб ташланиши керак: 2.2, 2.3, 2.4, 4 (кичик бандлар билан) 5.1 (кичик бандлар билан), 5.2, 6.1.1, 6.1.2, 7.1,

7.2 (кичик бандлар билан), 8 (кичик бандлар билан), 11.3, 11.5, 12.3, 13.2, 13.3, 13.4, 13.9, 13.10, 13.11, 14 («Б» илова).

16. Мавжуд ва янгидан фойдаланишга топшириладиган ижтимоий соҳа муассасаларини жиҳозлаш учун жалб этиладиган хорижий кредитлар ҳисобига асбоб-ускуналар харид қилишда техник-иқтисодий асослаш қисқартирилган шакл бўйича, молиявий-иқтисодий самарадорлик, қурилиш-монтаж ишлари учун маблағларга эҳтиёж, маркетинг бўлими ҳисоб-китобларисиз ишлаб чиқилади.

Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослашланиши асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ҳаммаси	Шу жумладан:		
				Бюджет	кредитлар, шу жумладан хорижий кредитлар, ХМШИ қарзлари ҳам шу жумлага киради	Марказлаштирилмаган маблағлар (ўз маблағлари)
1	Қурилишнинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл. (эқв.)				
1.1	ЭМВдаги харажатлар, улардан: қурилиш-монтаж ишларига; асбоб-ускуналар харид қилишга; инвестиция даврида фонзлар ва воситачилик ҳақиға; бошқа харажатларга	минг доллар				
1.2	Миллий валютадаги харажатлар, улардан: қурилиш-монтаж ишларига; асбоб-ускуналар харид қилишга; дастлабки айланма капиталга; бошқа харажатларга	минг долл. (эқв.)				
2	Корхона қуввати, шу жумладан: йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми* йиллик экспорт ҳажми*		Тегишли бирликларда			
3	Иш билан таъминланаётганларнинг мўлжалланаётган сони		киши			
4	Қурилиш муддати		ой			
5	Яратилаётган ишлаб чиқариш фондлари қиймати		минг доллар (эқвивалентда)			
6	Лойиҳанинг ўзини қоплаш муддати		йил			
7	Кредитни ва бошқа қарз маблағларини қайтариш муддати		йил			
	шу жумладан валюта маблағларини қайтариш муддати		йил			

Изоҳ. * ТИХни тасдиқлашда тўлдирилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган
лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан
давлат мониторинги тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чел эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 26 июлдаги ПҚ-136-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги (кейинги ўринларда «Мониторинг» деб аталади) Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини бошқариш ва назорат қилишнинг асосий механизми ҳисобланади.

3. Мониторинг:

вазирликлар, идоралар томонидан ташаббус кўрсатилган инвестиция лойиҳалари ва таклифлари юзасидан — Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментлари билан биргаликда, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда хорижий инвестициялар жалб этилган корхоналар томонидан ташаббус кўрсатилган инвестиция лойиҳалари ва таклифлари юзасидан — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан;

хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан — Хорижий инвестициялар иштирокидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда «Мувофиқлаштирувчи кенгаш» деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

4. Қуйидагилар:

республика инвестиция дастурига киритилган ва биринчи навбатда, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

давлат бошқаруви органларининг, инвестиция жараёни бошқа қатнашчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг инвестиция лойиҳаларини, улар тўлиқ тугаллангунга қадар, амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ҳал этиш юзасидан жавобгарлигини ошириш;

инвестиция лойиҳалари ҳаракатига уларни амалга оширишнинг барча босқичларида тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва ўрганиш, уларни, шу жумладан инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган турли хил масалаларни кўриб чиқиш муддатларини ўзгартириш йўли билан, бартараф этиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш;

инвестиция лойиҳалари тасдиқланган ҳажмлар ва муддатларга қатъий риоя қилинган ҳолда инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари ва ваколатли банклар томонидан маблағлар билан ўз вақтида таъминланиши устидан назорат қилиш;

инвестиция лойиҳаси бўйича хорижий шериклар олдида қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишига қўмаклашиш;

инвестиция муҳитини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар ва таклифлар бўйича маълумотлар банкни шакллантириш мониторингининг асосий вазифалари ҳисобланади.

5. Аниқ дастурга ва Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг таркибий қисми бўлган инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатига киритилган инвестиция лойиҳалари мониторинг объекти ҳисобланади.

II. Инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотлар банкни яратиш

6. Инвестиция дастури белгиланган тартибда тасдиқланган вақтдан бошлаб бир ой муддатда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари билан биргаликда инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастурига, шунингдек инвестиция дастурининг таркибий қисми бўлган устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатига киритилган лойиҳалар бўйича маълумотлар банкни (кейинги ўринларда «Маълумотлар банки» деб аталади) шакллантиради.

7. Маълумотлар банки:

инвестиция лойиҳасининг ташаббускори томонидан тасдиқланган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастурига киритилган инвестиция лойиҳаси паспорти;

ҳар бир инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган режа-жадваллари;

устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатига киритилган инвестиция таклифлари бўйича ишлаб чиқиладиган янгидан бошланаётган устувор инвестиция лойиҳаларини олға суриш чора-тадбирлари дастури;

Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаси ташаббускори томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган ахборот асосида шакллантирилади.

8. Инвестиция лойиҳаси паспорти мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича тузилади ва унда инвестиция лойиҳаси ташаббускори, хорижий шерик, лойиҳанинг умумий қиймати ва барпо этилаётган ишлаб чиқаришнинг лойиҳадаги қуввати, маҳсулотни экспорт қилиш, маблағ билан таъминлаш манбалари ва схемаси бўйича прогноз кўрсаткичлар, лойиҳанинг қопланиш ва қарз маблағларни қайтариш муддатлари тўғрисидаги ахборотлар, шунингдек, зарурат бўлганда, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилаётган корхона бўйича маълумотлар бўлади.

9. Режа-жадвал мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича тузилади ва унда янги ташкил этилаётган корхонанинг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш (зарурат бўлганда), асосий контрактни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш, инвестиция лойиҳаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорини келишиш ва қабул қилиш, кредит битимларини имзолаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш, миллий ва хорижий валютада маблағ билан таъминлашни бошлаш, ишлаб чиқариш майдонларини ва инфратузилма объектларини куриш, технология асбоб-ускунала-

рини ўрнатиш, корхонанинг лойиҳадаги қувватга чиқиши бўйича аниқ муддатлар тўғрисидаги ахборотлар бўлади.

10. Чора-тадбирлар дастури мазкур Низомга 3-иловага биноан Халқаро молия ва иқтисодий институтлар ҳамда донор мамлакатлар иштирокида Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш регламентига мувофиқ ишлаб чиқилади ва инвестициялашдан олдин инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосланишини тасдиқлаш ва маблағ билан таъминлашнинг аниқ манбаларини белгилашгача бўлган ишлар комплексини (уларни бажаришнинг прогноз муддатларини кўрсатган ҳолда) ўз ичига олади.

11. Инвестиция лойиҳасининг ташаббускори ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 3-қунидан кечикмай ҳар ойда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига келишилган шакл бўйича инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши режа-жадвалининг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этади.

12. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар ойда: хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ҳажмда ва муддатларда тақдим этиладиган йиғма статистика ахбороти бўйича — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан;

марказлаштирилган инвестициялардан, шу жумладан Ҳукумат кафолати остида жалб этиладиган хорижий инвестициялар ва кредитлардан фойдаланиш бўйича — Молия вазирлиги ва тижорат банклари томонидан;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича — Адлия вазирлиги томонидан;

хусусийлаштирилаётган корхоналар акциялари пакетини хорижий инвесторларга сотиш, мулкида давлат улуши бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти бўйича — Давлат мулки қўмитаси томонидан;

кичик ва хусусий бизнес соҳасидаги, шу жумладан жалб этилаётган хорижий кредит линиялари иштирокидаги, инвестиция лойиҳалари бўйича — Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан;

лойиҳа кўрсаткичлари (лойиҳадаги қувватни таъминлаш, экспортни таъминлаш, янги иш ўринлари барпо этиш) инвестиция лойиҳаси ташаббускори томонидан бажарилиши юзасидан — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим этиладиган ахборотлар асосида Маълумотлар банкни янгилаб боради.

13. Маълумотлар банкига Инвестиция дастурида назарда тутилган капитал қўйилмалар ҳажмлари прогнози белгиланган тартибда аниқлаштирилиш натижалари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг қарори билан тузатишлар киритилиши мумкин.

III. Мониторингни амалга ошириш

14. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментлари, Молия вазирлиги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Молия вазирлиги қарз олувчи сифатида иш кўрадиган қарзлар бўйича), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга-ликда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қабул қилинган қарорларига, шунингдек тасдиқланган режа-жадвалларга мувофиқ инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ишларининг ҳолатини шу жумладан жойнинг ўзига чиқиб мунтазам равишда ўрганади.

Бундай ишни ташкил этиш учун Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги турли вазирликлар ва идоралар ёхуд халқаро ташкилотлар ва консултация компаниялари мутахассисларини жалб этиши мумкин.

15. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан мониторинг:

инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тақдим этиладиган тасдиқланган режа-жадвалларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ҳажмда ва муддатларда тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси бўйича хорижий инвестициялар ва кредитлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисидаги йиғма статистика ахборотини;

мавжуд ва потенциал хорижий инвесторлар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича уларнинг таклифларини ўрганиш асосида вақти-вақти билан тайёрланадиган инвестиция муҳити шарҳини;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан тақдим этиладиган тезкор ахборотларни;

марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳаларни ўз вақтида маблағ билан таъминлаш масалалари бўйича ахборотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш йўли билан амалга оширилади.

16. Хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторинги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан:

тасдиқланган режа-жадваллар бажарилишини, лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан зарур ишлар комплексини олиб боришнинг технологик изчиллигига риоя этилишини назорат қилиш;

техник-иқтисодий асослашларнинг асосий қоидаларини кўриб чиқиш, лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлиги юзасидан умумий қарорлар қабул қилиш;

алоҳида йирик лойиҳалар, шу жумладан техник-иқтисодий асослашлар кўрсаткичларига нисбатан лойиҳаларнинг қимматлашиши ёки арзонлашиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда базавий лойиҳалаштиришни тасдиқлаш;

марказлаштирилган манбалар ҳисобига ажратиладиган маблағларнинг ўз вақтида молиялаштирилишини ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш, Ҳукумат кафолати остида жалб этиладиган қарз маблағларнинг ўз вақтида қайтарилиши таъминланишини назорат қилиш;

манфаатдор вазирликлар ва буюртмачи идоралар томонидан ишлаб чиқилган эҳтиёт қисмлар ва компонентлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ташқи бозорларга кириб бориши бўйича маркетинг дастурларини экспертизадан ўтказиш;

айрим стратегик муҳим ва йирик лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, қурилиши амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда амалга ошириладиган лойиҳаларни маблағ билан таъминлашни тўхтатиб қўйиш, шунингдек Инвестиция дастури бажарилиши барбод бўлишига йўл қўювчи вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва буюртмачи ташкилотларнинг раҳбарларини жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида рўёбга чиқаришга қўмаклашувчи бошқа асосий масалаларни кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

IV. Мониторинг натижаларини кўриб чиқиш

17. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва ваколатли банклардан олинган маълумотлар асосида инвестиция дастурининг амалга оширилиши тўғрисида йиғма ахборот тайёрлайди.

Йиғма ахборотда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича умумлаштирилган маълумотлар билан бир қаторда вазирликлар, идоралар ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари бўлган корхоналар ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган инвестиция лойиҳалари ва таклифларини амалга оширишнинг асосий босқичлари бўйича қуйидаги маълумотлар:

инвестициялашдан олдинги тадқиқотларнинг ўз вақтида ўтказилиши, техник-иқтисодий асослашлар ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши тўғрисида инвестиция лойиҳалари ташаббускорларида олинган ахборот;

техник-иқтисодий асослашлар ва лойиҳа-смета ҳужжатлари ваколатли экспертиза органлари томонидан экспертиза қилинганлиги тўғрисидаги ахборот;

инвестиция лойиҳаларининг маблағ билан таъминлашнинг тасдиқланган схемаларига мувофиқ ўз вақтида маблағ билан таъминланиши тўғрисидаги ахборот;

қурилиш-монтаж ишларини бажариш ва объектларни ишга тушириш муддатларига ва технологик изчиллигига риоя қилиниши тўғрисидаги ахборот;

Ҳукумат кафолати остидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган кредит маблағларидан фойдаланиш ва уларни қайтариш муддатлари ва шартларига риоя қилиниши тўғрисидаги ахборот (банклар);

инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари томонидан лойиҳаларни инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастурига киритиш учун асос ҳисобланадиган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишида ифодаланган инвестициялаш шартларига риоя қилиниши тўғрисидаги бошқа ахборот;

Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни асослаган ҳолда таклифлар мавжуд бўлади.

18. Инвестиция дастурини амалга оширишнинг йиғма таҳлили, шунингдек қўшимча таҳлилий ахборот асосида, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

шаклланаётган йўналишларни ўрганиб чиқади, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги бюрократик тўсиқларни аниқлайди, хорижий инвесторлар учун мавжуд имтиёзлар ва преференциялар тизимининг самарадорлигини таҳлил қилади;

инвестиция фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқади;

инвестиция жараёни самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган Ҳукумат қарорларини тайёрлаш ишларини ташкил этади;

Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тақдим этиладиган ахборот асосида иқтисодиётнинг устувор секторлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун энг муҳим ишлаб чиқаришлар рўйхатини, шунингдек жалб этилаётган инвестицияларни республика иқтисодиёти тармоқлари ва минтақалари бўйича мақбул жойлаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг муаммоли масалаларини ҳал этиш бўйича вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан биргаликда таклифлар тайёрлайди;

Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишув бўйича қўшимча инвестиция лойиҳаларини Инвестиция дастурининг аниқ қисмига киритиш ёки йиғ-

ма қисмига ўтказиш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун Мувофиқлаштирувчи кенгашга киритади;

инвестиция дастурини шакллантириш ва унинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ишларни ташкил этади.

19. Мониторинг натажалари Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан:

ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментларига ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига;

йилнинг ҳар чорагида — Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритилади.

20. Зарур қарорлар қабул қилиш учун ҳар ойда:

Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари мажлисларида кўриб чиқилади;

мониторинг натажалари Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий ислохотларнинг бориши ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунларига бағишланган мажлисларида тингланади.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Инвестиция лойиҳаси ПАСПОРТИ

(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

1. Лойиҳа буюртмачиси бўлган ташкилот —
2. Лойиҳанинг мақсади —
3. Лойиҳани инвестициялаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарори (агар зарур бўлса) —
4. Ҳукумат кафолатлари —
5. Лойиҳа ТИА ҳолати —
6. Хорижий шерик ва инвестор (шу жумладан кредитор, бош пудратчи) —
7. Лойиҳани амалга ошириш муддатлари, шу жумладан лойиҳадаги қувватга чиқиш муддати (йиллар) —
8. Лойиҳа жойлашган жой —

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	ТИА бўйича	Лойиҳани амалга оширишнинг 2006 йил 1 январдаги амалдаги ҳолати	Изоҳ
1	Лойиҳа ташаббуси (ким томонидан, сана ва ҳужжатлар тартиб рақами)				
2	Лойиҳанинг умумий қиймати	млн АҚШ доллари			
	жорий нархларда (ш. ж. эквивалент)				
	ЭМВда (эквивалент)				

T/p	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	ТИА бўйича	Лойиҳани амалга оширишнинг 2006 йил 1 январдаги амалдаги ҳолати	Изоҳ
3	ЭМВдаги харажатлар, ҳаммаси	млн АҚШ доллари			
	ш. ж. асбоб-ускуналар харид қилиш ва бошқалар учун				
3.1	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси (эквивалент)	сўм/ АҚШ доллари			
	ш. ж. қурилиш-монтаж ишлари ва бошқалар учун				
4	Молиялаштириш манбалари	тегишли бирликларда			
	бюджет маблағлари				
	хорижий кредитлар, ҳаммаси				
	ш. ж. Ҳукумат кафолатлари остида				
	бошқа манбалар:				
	тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, ҳаммаси				
	ш. ж. хорижий шерикнинг устав фондига улуши				
	ўз маблағлари				
	тижорат банклари кредитлари				
	бошқа манбалар				
5	Банд бўладиганларнинг мўлжалланаётган сони	киши			
6	Қурилишнинг давом этиши, ҳаммаси	ой			
	ш. ж. қурилиш бошланадиган йил				
	қурилиш тугалланадиган йил				
7	Лойиҳанинг ўзини қоплаш муддати, ҳаммаси	йил			
	ш. ж. йиллар бўйича				
8	Қарз маблағларини тўлаш муддати, ҳаммаси	йил			
	ш. ж. йиллар бўйича				
9	ш. ж. валюта маблағларини тўлаш муддати, ҳаммаси	йил			
10	Қарз маблағларини тўлашнинг ҳолати, ҳаммаси	тегишли бирликларда			
	ш. ж. йиллар ва тўлаш манбалари бўйича				
11	ш. ж. тўловларнинг муддати ўтказиб юборилган суммаси, ҳаммаси	тегишли бирликларда			
	ш. ж. йиллар ва тўлаш манбалари бўйича				
12	Корхона қуввати (номенклатура бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг йиллик ҳажми)	тегишли бирликларда			
13	Олинадиган хом ашёнинг мавжудлиги ва ҳажмлари	тегишли бирликларда			
	ш. ж. йиллар бўйича				
14	Лойиҳани маҳаллийлаштириш даражаси, ҳаммаси	%			
	ш. ж. йиллар бўйича				
15	Экспорт ҳажми (маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар экспорти ҳажми) ва унинг номенклатураси	тегишли бирликларда			
16	Маҳсулотни сотишнинг мўлжалланаётган бозорлари:				
	ички бозор	%			
	ташқи бозор	%			

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	ТИА бўйича	Лойиҳани амалга оширишнинг 2006 йил 1 январдаги амалдаги ҳолати	Изоҳ
17	Лойиҳа бўйича ваколатли экспертиза органлари хулосаси (хатлар тартиб рақами) 1. Молия вазирлиги — 2. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги — 3. Иқтисодиёт вазирлиги — 4. Банк —				

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

«Тасдиқлайман»

Корхона раҳбари
(раис, директор)

(Ф.И.О.)

200__ й. _____ «__»

**Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш
РЕЖА-ЖАДВАЛИ***
(лойиҳа номи, ташаббускор)

Т/р	Лойиҳани амалга ошириш босқичлари	Бошлаш санаси (йил, ой)	Тугатиш санаси (йил, ой)
1	Лойиҳа ташаббуси (ким томонидан, сана ва ҳужжатлар тартиб рақами)		
2	Лойиҳанинг ТИАни ишлаб чиқиш тасдиқлаш		
3	Хорижий шерик, инвестор, бош пудратчини ва бошқаларни танлаб олиш бўйича тендер ўтказиш (сана ва ҳужжатлар тартиб рақами)		
4	Янги ташкил этилаётган корxonани, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корxonани (зарурат бўлса) рўйхатдан ўтказиш (ким томонидан, сана ва ҳужжатлар тартиб рақами)		
5	Асосий контрактни тузиш, келишиб олиш ва рўйхатдан ўтказиш (ким томонидан, сана ва ҳужжатлар тартиб рақами)		
6	Молиялаштириш шартларини, шу жумладан маблағ билан таъминловчи институтлар (банклар) билан тузиладиган кредит битимлари шартларини белгилаш		
7	Лойиҳа бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул қилиш (агар талаб қилинса)		
8	Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш ва тасдиқлаш		

Т/р	Лойиҳани амалга ошириш босқичлари	Бошлаш санаси (йил, ой)	Тугатиш санаси (йил, ой)
9	Миллий валютада маблағ билан таъминлашни бошлаш		
10	Хорижий валютада молиялаштиришни бошлаш		
11	Қурилиш-монтаж ишларини бажариш		
12	Технология асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, ўрнатиш ва ишга тушириш-созлаш		
13	Ишлаб чиқаришни бошлаш ва лойиҳадаги қувватга чиқиш		

*) Изоҳ. Маблағларни манбалар (инвестициялар, кредитлар, бюджет маблағлари ва бошқалар) бўйича ўзлаштириш жадвали илова қилиниши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

ХМЙИ ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш РЕГЛАМЕНТИ

Т/р	Тайёрлаш ва амалга ошириш босқичлари	Назорат муддатлари	Масъул орган
<i>1. Лойиҳани амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини олдиндан ишлаб чиқиш ва асослаш — муддат 2 ойгача</i>			
1	Тармоқ ва худудни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш	Регламентга мувофиқ	Вазирлик/идора (лойиҳа ташаббускори)
2	Айрим лойиҳаларни амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлигини олдиндан ишлаб чиқиш		Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ахборот-таҳлил департаменти
3	Дастлабки ҳисоб-китобларни ишлаб чиқиш юзасидан техник топшириқни идоралараро келишиб олиш	1 ҳафта	Вазирлик/идора
4	Ташаббускор томонидан лойиҳанинг дастлабки ҳисоб-китоблари тайёрланиши ва Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментига ва ваколатли экспертиза органларига (Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига) киритиш	1 ой	Вазирлик/идора
5	Лойиҳани кўрсатиб ўтилган дастлабки шартларда амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ваколатли экспертиза органлари хулосаларини олиш	3 ҳафта (регламентга мувофиқ)	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
6	Ташаббускор томонидан камчиликларнинг баргараф этилиши	Экспертиза яқунларига кўра	Вазирлик/идора

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

Т/р	Тайёрлаш ва амалга ошириш босқичлари	Назорат муддатлари	Масъул орган
II. ТИА/ТИХ* ишлаб чиқиш — муддат 3 ойгача			
7	Лойиҳа ТИАни ишлаб чиқиш бўйича молиялаштириш манбаларини белгилаш	3 ойгача	Вазирлик/идора
8	ТИА/ТИХРни ишлаб чиқиш юзасидан техник топшириқни ички идоравий келишиб олиш		Вазирлик/идора
9	Лойиҳанинг якуний ТИА/ТИХни тайёрлаш		Вазирлик/идора
III. Лойиҳанинг техник-иқтисодий параметрларини экспертизадан ўтказиш, Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб олиш ва тасдиқлаш тартиб-қоидаларини амалга ошириш — муддат 2 ойгача			
Ички экспертиза			
10	Маъқуллаш учун Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ахборот-таҳлил департаментига киритиш	1 ҳафта	Вазирлик/идора
11	Камчиликларни бартараф этиш ва Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ахборот-таҳлил департаментининг маъқуллаши	1 ҳафта	Вазирлик/идора
Ташқи экспертиза			
12	Лойиҳаларнинг ТИА/ТИХ бўйича ваколатли экспертиза органларидан (Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, ваколатли банк) лойиҳани ишлаб чиқилган якуний шартлар билан амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосани олиш	3 ҳафта	Вазирлик/идора
13	Ташаббускор томонидан ТИА/ТИХ бўйича камчиликларнинг бартараф этилиши	Экспертиза якунларига кўра	Вазирлик/идора
14	Лойиҳа ТИА/ТИХ параметрларини ваколатли экспертиза органлари билан белгиланган тартибда келишиш	1 ҳафта	Вазирлик/идора
Лойиҳанинг ТИАни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаши			
15	Хукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ваколатли экспертиза органлари билан келишиб олиш	10 кун	Вазирлик/идора
16	Лойиҳанинг асосий техник-иқтисодий параметрларини тасдиқлаш юзасидан келишилган Хукумат қарорининг келишилган лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ахборот-таҳлил департаментига киритиш	1 ҳафта	Вазирлик/идора
17	Лойиҳанинг асосий техник-иқтисодий параметрларини тасдиқлаш юзасидан Хукумат қарорини қабул қилиш	Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига мувофиқ	Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ахборот-таҳлил департаменти
IV. Лойиҳани амалга ошириш учун молиялаштириш манбаларини қидириб топиш ва келишиб олиш — муддат 3 ойгача			
18	Лойиҳани молиялаштириш (зарурат бўлганда кўшимча молиялаштириш) манбаларини ишлаб чиқиш	1 ҳафта (ТИА/ТИХни ишлаб чиқиш билан бир вақтда)	Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги

* Ишлар ХММИ/кредитор тартиб-қоидалари бўйича Лойиҳани бошқариш тўғрисидаги ҳужжатни тайёрлаш билан бир вақтда олиб борилади.

Т/р	Тайёрлаш ва амалга ошириш босқичлари	Назорат муддатлари	Масъул орган
20	Молиявий институтлар билан молиявий қарз маблағлари ажратиш шартларини ишлаб чиқиш	4 ҳафта (ТИА/ТИХни ишлаб чиқиш билан бир вақтда)	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
21	Молиявий институтларнинг баҳолаш ҳисоботлари асосида тегишли дастлабки битим (ўзаро англаш тўғрисидаги меморандум, умумий битим)ни имзолаш	1 ой (ТИА/ТИХни ишлаб чиқиш билан бир вақтда)	Вазирлар Маҳкамасининг мутасаддилик қилувчи комплекси раҳбари ёхуд ваколатли мансабдор шахс
Асосий молиявий институт			
22	Лойиҳани Молиявий институтнинг Директорлар кенгаши кўриб чиқиши учун киритишни таъминлаш юзасидан музокара жараёнини олиб бориш, шунингдек қарз битими, зарур бўлганда лойиҳа ва қафолат битими матнларини келишиб олиш	Молиявий институт томонидан белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда	вазирликлар ва идоралар жалб этилган ҳолда Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти
23	Лойиҳани Директорлар кенгаши кўриб чиқиши учун киритиш тўғрисида молиявий институтнинг дастлабки розилигини олиш		Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
Қўшимча молиялаштирувчи орган			
24	Лойиҳани ХМИИнинг Директорлар кенгаши кўриб чиқиши учун киритишни таъминлаш юзасидан музокара жараёнини олиб бориш, шунингдек қарз битими, зарур бўлганда лойиҳа ва қафолат битими матнларини келишиб олиш	Молиявий институт томонидан белгиланган муддатларни ҳисобга олган ҳолда	вазирликлар ва идоралар жалб этилган ҳолда Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти
25	Лойиҳани Директорлар кенгаши кўриб чиқиши учун киритиш тўғрисида молиявий институтнинг дастлабки розилигини олиш		Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
26	Лойиҳани ХМИИ Директорлар кенгаши томонидан маъқулланиши	Молиявий институт Директорлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши	
V. Лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги Ҳукумат қарорини келишиб олиш ва қабул қилиш — муддат 1 ойгача			
27	Вазирлар Маҳкамасининг лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори лойиҳасини тайёрлаш	1 ҳафта	Вазирлик/идора
28	Вазирлар Маҳкамаси қарорини ваколатли вазирликлар ва идоралар билан келишиб олиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш	2 ҳафта	Вазирлик/идора
29	Вазирлар Маҳкамасининг лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини қабул қилиш		
30	Қабул қилинган Ҳукумат қарорини бажариш бўйича назорат режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш	3 кун	Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди ахборот-таҳлил департаменти

Т/р	Тайёрлаш ва амалга ошириш босқичлари	Назорат муддатлари	Масъул орган
<i>VI. Молиявий битимлар тузиш — муддат 1 ойгача</i>			
31	Молиявий институт билан қарз битимини имзолаш	Молиявий институт билан тузилган шартнома бўйича	Вазирлар Маҳкамаси комплекси раҳбари/Молия вазирлиги
32	Зарурат бўлганда лойиҳа ва кафолат битимларини имзолаш	Молиявий институт билан тузилган шартнома бўйича	Молия вазирлиги, ваколатли банк Вазирлик/идора
<i>VII. Тендер савдолари тартиб-қоидаларини бажариш, молиялаштиришни, инвестиция жараёнини ва молиявий маблағларни ўзлаштиришни бошлаш – муддат 3 ойгача</i>			
33	Лойиҳани Инвестиция лойиҳасининг аниқ қисмига киритиш	Регламентга мувофиқ	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги
34	Тендер ҳужжатларини тайёрлаш ва тасдиқлаш	1 ой	Вазирлик/идора
35	Етказиб берувчиларни танлаб олиш бўйича тендер ўтказиш	2 ой	Вазирлик/идора
36	Тендер натижаларининг ХМИИ/кредитор томонидан маъқулланиши	Молиявий институтлар тартиб-қоидаларини ҳисобга олган ҳолда	
37	Амалга оширилаётган лойиҳа доирасида контрактлар тузиш	2 ҳафта	Вазирлик/идора
38	Лойиҳа доирасида импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш ва хулоса бериш	2 ҳафта / регламентга мувофиқ	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, ваколатли банк
39	ХМИИ томонидан молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) бошланиши ва давлат бюджети маблағлари ажратиш	Контрактларни экспертизадан ўтказиш якунларига кўра	Молия вазирлиги (бюджет маблағлари қисми бўйича)

Изоҳлар:

1. Лойиҳани тайёрлаш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида ижро этувчи агентлик Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди департаменти билан келишган ҳолда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши мониторинги тизимининг ягона компьютерлашган маълумотлар базасини шакллантириш ва унга ўзгартиришлар киритиш мақсадида лойиҳанинг жорий ҳолати тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

2. Лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишнинг мажбурий босқичлари чекланган муддатлари Вазирлар Маҳкамасининг мутасадди департаменти билан келишган ҳолда тузатишлар киритилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олинниши,
аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли
фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват
лойиҳалари мониторинги тўғрисида
НИЗОМ**

I. Асосий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олинниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартибини, шунингдек мурувват лойиҳалари мониторинги масалаларини белгилайди ва тартибга солади.

2. Мурувват ёрдами — бу аҳолининг ижтимоий ночор гуруҳларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-қувватлаш, табиий офатлар ҳамда бошқа фавқулодда ҳодисалар оқибатларини тугатиш учун бериладиган мақсадли бегараз қўмакнинг бир туридир.

Мурувват ёрдами тиббиёт товарлари, озик-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол товарлари ва бошқа товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек грантлар, ихтиёрий эҳсонлар, бажарилган ишлар ва хизматлар, шу жумладан мурувват ёрдами юкларини транспортда ташиш, кузатиб бориш ва сақлаш шаклида кўрсатилади.

Мурувват ёрдами сифатида олинган товарлар божхонада расмийлаштириш тартиб-қоидалари амалга оширилгандан кейин олувчилар томонидан «Мурувват ёрдами» ёзувини қайд этган, олувчининг реквизитларини кўрсатган ҳолда тамғаланadi.

Мурувват ёрдами хорижий давлатлар, уларнинг федерал ёки муниципал тузилмалари, халқаро ва хорижий ташкилотлар, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар (кейинги ўринларда донорлар деб аталади) томонидан кўрсатилиши мумкин.

Бюджет, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаолияти фойда олишга йўналтирилмаган бошқа юридик шахслар (кейинги ўринларда олувчилар деб аталади) кейинчалик республика истеъмолчилари ўртасида тақсимлаш мақсадида мурувват ёрдмининг олувчилари бўлиши мумкин.

Мурувват ёрдами юкларини олувчилар дастурлар ва донорлар билан тузилган дастурлар ва битимлар ёки мурувват ёрдами билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштириш учун масъул бўлган Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси раҳбарининг (кейинги ўринларда Комплекс деб аталади) қарорлари асосида аниқланади.

Тамаки маҳсулотлари, вино-ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар, ҳарбий мақсаддаги товарлар, шунингдек олиб келиниши тақиқланган товарлар мурувват ёрдами юклари жумласига киритилиши мумкин эмас.

Мурувват ёрдами юкларининг пул ифодасидаги қийматидан асосан божхонада расмийлаштириш мақсадлари учун фойдаланилади.

3. Ўзбекистонда мурувват ёрдами кўрсатувчи халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиаллари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида аккредитация қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаментининг хуло-

саси халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилот ваколатхонаси ёки филиали давлат рўйхатидан ўтказилиши ва қайта рўйхатдан ўтказилиши учун асос ҳисобланади.

4. Комплекс раҳбарининг мурувват ёрдами масалалари бўйича қарорлари вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бажариши учун мажбурий ҳисобланади.

Мурувват ёрдами мувофиқлаштириш ишлари тезкор бажарилишини тезкор таъминлаш мақсадида шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан тасдиқланадиган доимий ишлайдиган ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) ташкил этилади.

5. Мурувват ёрдами юқларини қабул қилиш, божхонада расмийлаштириш, транспортда ташиш, тўплаш, сақлаш, хатловдан ўтказиш, юқларнинг хавфсизлиги бўйича қўриқлаш ва бошқа карантин тадбирларини ўтказиш, мурувват ёрдами аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш ва улардан самарали, мақсадли фойдаланиш учун масъулият:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида тузиладиган мурувват ёрдами бўйича ҳудудий комиссияларга (кейинги ўринларда ҳудудий комиссиялар деб аталади);

ижтимоий соҳа вазирликлари ва идоралари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳузурида тузиладиган мурувват ёрдами бўйича тармоқ комиссияларига (кейинги ўринларда тармоқ комиссиялари деб аталади) юкланади.

6. Мурувват ёрдамидан белгиланмаган мақсадда фойдаланишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

II. Мурувват ёрдами юқлари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби

7. Мурувват ёрдами юқлари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади. Мурувват ёрдами олинишидан олдин махсус эксперт комиссияси томонидан бу ёрдамнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланади.

8. Мурувват ёрдами сифатида Ўзбекистон Республикасига келтириладиган юқларни божхонада расмийлаштириш қонун ҳужжатларига мувофиқ, Департаментнинг кўрсатилган юқларнинг мурувват ёрдамига мансублиги тўғрисидаги ҳулосаси асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасига келтирилган мурувват ёрдами юқлари ва юқларни олувчилар тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан Департаментга ҳамда Давлат статистика қўмитасига тақдим этилади.

9. Юқларнинг мурувват ёрдамига мансублигини тасдиқлаш учун мурувват ёрдами олувчи Департаментга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

дастур ёхуд донор ташкилот билан мурувват ёрдами бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим;

юқни жўнатувчининг юк мурувват ёрдамига мансублиги тўғрисидаги инвойси (счёт-фактура);

юқни олувчининг юқнинг фойдаланиш мақсади тўғрисидаги хати;

йўл-транспорт юк хатлари;

зарурият бўлганда, карантин ва бошқа инспекция хизматларининг юқнинг қонун

хужжатларига мувофиқ республикага келтирилишига рухсат этилган юклар рўйхатига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси.

10. Юкларнинг мурувват ёрдамига мансублиги тўғрисидаги хулосалар Департаментнинг протокол тарзидаги қарори расмийлаштирилади.

Мурувват ёрдами юкларини божхонада тезкорлик билан расмийлаштириш мақсадида Департаментнинг масъул ходимларидан тайинланган мувофиқлаштирувчи томонидан уларнинг мурувват ёрдамига мансублиги тўғрисидаги дастлабки хулосаси берилишига йўл қўйилади, кейинчалик мазкур хулоса Департаментнинг протоколи билан тасдиқланади.

11. Аэропортларда, темир йўл ва автотранспорт станцияларининг омборларидаги мурувват ёрдами юкларидан сақлаш, хабардор қилиш, божхона тартиб-қоидалари, декларациялаш, бекор туриб қолиш, тушириш-юклаш ишлари ва бошқа хизматлар учун божлар, йиғимлар ва бошқа хил тўловлар олинмайди.

12. Мурувват ёрдами юклари сифатини ва уларнинг хавфсизлигини назорат қилиш белгиланган тартибда, тўлов ундирмасдан давлат назоратининг ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

13. Мурувват ёрдами юкларининг уларни ташиш вақтидаги сақланиши тегишли транспорт ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари томонидан, тўлов ундирмасдан таъминланади.

14. Мурувват ёрдами юкларини олувчилар мурувват юкларининг ҳисобга олинишини, сақланишини, улардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланишини таъминлашга мажбурдирлар.

Мурувват ёрдами сифатида келтирилган товарларни ҳисобга олиш ва сақлаш тижорат товарларидан алоҳида амалга оширилади.

15. Ҳудудий ва тармоқ комиссиялари Комплекс раҳбари тасдиқлаши учун Департаментга мурувват ёрдами юкларини аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш бўйича таклифлар тақдим этадилар, улар ҳар йили бериладиган буюртманомаларга мувофиқ бўлиши (ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларга мувофиқ шакл бўйича), шунингдек донор ташкилотлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг таклифларига, халқ депутатлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сўровларига асосланиши керак.

16. Мурувват ёрдами юкларининг мақсадли фойдаланилиши ва уларни аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш устидан назорат ҳудудий ва тармоқ комиссиялари томонидан амалга оширилади. Мурувват ёрдами юкларини олувчи бюджет ташкилотлари бўйича назорат, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилади.

17. Ҳузурида ҳудудий ва тармоқ комиссиялари ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига мурувват ёрдами юклари олингани ва улардан мақсадли фойдаланилгани тўғрисида ҳар чорақда Давлат статистика ҳисоботи шакли бўйича ҳисоботлар тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ишчи гуруҳ билан биргаликда ҳудудий ва тармоқ комиссиялари томонидан тақдим этилган маълумотларни йиғма статистика ҳисоботи тарзида умумлаштиришни таъминлайди.

18. Мурувват ёрдами юкларининг мақсадли фойдаланилиши ва аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланишини текширишлар белгиланган тартибда, Ишчи гуруҳ томонидан Департамент тасдиқлаган жадвал бўйича, зарурият бўлганда, мустақил

экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси вакиллари жалб этган ҳолда ўтказилади.

19. Мурувват ёрдами юқларининг олувчилари ёки истеъмолчилари ҳисобланадиган бюджет ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишларни ўтказиш вақтида давлат молия органлари томонидан уларни текшириш режаларига мурувват ёрдами юқларининг мақсадли фойдаланилиши ва уларнинг аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланишини назорат қилиш ҳам киритилади.

20. Ўтказилган текширишлар яқунлари бўйича далолатнома тузилади, унда мурувват ёрдами юқларини божхонада расмийлаштириш, қабул қилиш, ҳисобга олиш ва аниқ йўналтирилган тарзда тақсимлаш талабларига мувофиқлик, шу жумладан:

мурувват ёрдами юқларини сақлаш ва тақсимлаш шароитлари;

мурувват ёрдами сифатида келтирилган товарларда тамғанинг мавжудлиги;

олинган мурувват ёрдами юқлари бўйича ҳисобга олиш ҳужжатларининг (ҳисобга олиш дафтарлари, китоблари, ведомостлар ва шу кабилар) мавжудлиги ва тўлиқлиги;

мурувват ёрдами юқлари истеъмолчиларининг юқларнинг олинганлиги тўғрисида белги қўйилган ҳолдаги номлари кўрсатилган рўйхатларини тузиш;

мурувват ёрдами сифатида олинган фойдаланилмаган товарлар миқдорининг ҳисоби, сабаблари, фойдаланишга яроқлилик муддати ўтиб кетган товарлар (маҳсулотлар)ни кўрсатган ҳолда;

фуқароларнинг хатлари ва шикоятлари бўйича ишларнинг амалга оширилганлиги акс эттирилади.

III. Мурувват лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш тартиби

21. Мурувват лойиҳалари амалга оширилиши мониторинги ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ схема бўйича юритилади.

22. Донорлар томонидан мурувват ёрдами доирасида берилган маблағлар, товарлар ва хизматлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мурувват лойиҳаларини амалга ошириш мониторингининг мақсади ҳисобланади.

23. Мурувват ёрдами бўйича ҳудудий ва тармоқ комиссиялари мурувват лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тўғрисидаги маълумотларни йиғади, ишлайди ва умумлаштиради ҳамда ушбу маълумотларни мунтазам равишда Департаментга тақдим этади.

Ишчи гуруҳ тақдим этилган ахборотни таҳлил қилади, ҳар йили йиғма ҳисобот тузади ва Комплекс раҳбари учун устувор лойиҳалар рўйхатини шакллантириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

24. Мурувват лойиҳаларининг устувор рўйхатини донорларга юбориш Ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда республикада аккредитация қилинган донорлар ваколатхоналари орқали амалга оширилади.

Донорлар томонидан мурувват лойиҳасини амалга оширишдан манфаатдорлик тасдиқланган тақдирда тегишли ижрочи ҳудудий ва тармоқ комиссиялари орқали дастурни тайёрлаш ва амалга оширишнинг асосланган режа-жадвалини протокол билан тасдиқлаш учун Департаментга жўнатади.

25. Мурувват лойиҳалари мониторингининг мунтазам равишда ўтказилиши юзасидан масъулият ҳудудий ва тармоқ комиссияларига юкланади.

26. Мурувват лойиҳаларини амалга ошириш мониторингини амалга ошириш

қўйидаги ҳужжатларни тайёрлаш ва йиғиш, шунингдек тасдиқлашни таъминлашни назарда тутади:

а) Режа-жадвал (ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича);

б) Ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот (ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича);

в) Ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботга тушунтириш хати (ихтиёрий шаклда), унда қўйидаги маълумотлар бўлади:

лойиҳа тўғрисида умумий маълумотлар (тармоқ сектори, лойиҳанинг номи, унинг жойлашган жойи ва қутилаётган натижалари, мурувват лойиҳасининг ижрочилари, амалга ошириш даври, смета қиймати, молиялаштириш манбалари);

молиялаштиришнинг бориши ва ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши, мурувват лойиҳасини амалга оширишда пайдо бўлган муаммолар тўғрисида ахборот;

импорт қилинаётган товарлар ва хизматлар тўғрисида маълумотлар;

қўйилган мақсадларга эришилганлиги ва прогноз кўрсаткичларнинг бажарилиши тўғрисида маълумотлар.

27. Мурувват ёрдами бўйича ҳудудий ва тармоқ комиссиялари томонидан ҳисоботлар Департаментга ва Давлат статистика қўмитасига:

Режа-жадвал — ҳар йили 25 январдан кечикмай;


Ишларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот ва Ишларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботга тушунтириш хати — ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай тақдим этилади.

28. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Департаментга ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига устувор мурувват лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисида якуний ахборот тақдим этади.

Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

350-МОДА

Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ҳамда улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш схемаси



1. Донорлар томонидан мурувват юкларини олувчиларга бериш
2. Олувчи томонидан товарлар мурувват ёрдамига тегишли юк эканлиги тўғрисида ҳужжатлар тайёрлаш ва уларни комиссиялар орқали Департаментга юбориш (2а)
3. Департамент томонидан ҳужжатларни кўриб чиқиш ва божхона органларига юкларнинг мурувват ёрдамига тегишли эканлиги тўғрисида хулоса бериш
4. Божхонада расмийлаштириш ва мурувват ёрдами юклари сифатини назорат қилиш
5. Божхона органлари томонидан мурувват юклари тўғрисида ҳар чорақда Департаментга ва Давлат статистика қўмитасига маълумотлар бериш
6. Мурувват ёрдами юкларини аниқ тарзда тақсимлаш лойиҳасини тайёрлаш ва асослаш
7. Мурувват ёрдами юкларининг аниқ тарзда тақсимланишини тасдиқлаш
8. Мурувват юкларини истеъмолчиларга етказиб бериш ва уларни ҳисобга олиш
9. Текширишлар ўтказиш, мурувват юкларини божхонада расмийлаштириш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш билан боғлиқ чоратадбирларнинг бажарилишини акс эттирган ҳолда далолатномалар тузиш
10. Мурувват юкларининг олиниши ва улардан фойдаланилиши тўғрисида ҳар чорақда ҳисобот тақдим этиш
11. Мурувват юкларидан мақсадли фойдаланилишини ва аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланишини, шу жумладан ҳам истеъмолчилар бўйича (11а), ҳам донорлар томонидан (11б) текшириш

— 58 —

46 (182)-сон

Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши,
ҳисобга олинниши, аниқ йўналтирилган
тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли
фойдаланилишини назорат қилиш тартиби
ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Мурувват дастурларини амалга ошириш мақсадида мурувват
ёрдами бўйича ҳудудий комиссия буюртманомасининг
намунавий шакли**

1. Сарварақ
 - а) дастурнинг номи
 - б) ҳудудий комиссия тўғрисидаги маълумотлар (*манзили, телефон, факс*)
 - в) дастурнинг бошланиши ва тугалланиши саналари
 - г) лойиҳанинг жуғрофияси (*у қаерда амалга оширилади*)
 - д) дастурнинг қиймати
2. Муаммонинг қўйилиши
3. Дастурнинг мақсади ва вазифалари
4. Дастурни амалга ошириш усуллари ва босқичлари
5. Дастур мониторинги усуллари
6. Кутилаётган натижалар ва уларни баҳолаш мезонлари
7. Дастурнинг бюджети

Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Мурувват ёрдами бўйича тармоқ комиссиясининг мурувват ёрдами олишга буюртманомасининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

- 1) Тармоқ комиссиясининг номи
- 2) Мурувват ёрдами сифатида олинаётган товарларнинг сўралаётган гуруҳи номи

(Масалан: дори-дармонлар ва тиббиёт анжомлари)

- 3) Неча марта мурожаат қилинган

(Буюртманома биринчи буюртманома ёки такрорий эканлиги кўрсатилсин. Агар буюртманома такрорий бўлса, қайси халқаро ташкилотга ва қачон мурожаат қилинганлиги кўрсатилсин)

- 4) Талаб этиладиган мурувват юклари сўрови учун шакл


МУРУВВАТ ЁРДАМИНИ ОЛУВЧИЛАР	МУРУВВАТ ЁРДАМИНИНГ ТАЛАБ ЭТИЛГАН ЮКЛАРИ РЎЙХАТИ	КОМПЛЕКТЛАР СОНИ
Масалан: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Ногиронлар аравачалари	10

- 5) Етказиб беришнинг қутилаётган муддатлари
- 6) Мурувват ёрдамидан фойдаланиш мониторинги усуллари

(Масалан: бевосита олувчилардан сўраб чиқиш, тақсимлаш жойига боровчи комиссиялар, олувчи ташкилотлар ҳисоботлари, бошқалар)

Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Мурувват лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги схемаси



1. Мурувват лойиҳаларини амалга оширишга доир таклифлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштириш
2. Тақдим этилган ахборотни таҳлил қилиш, ҳар йили йиғма ҳисобот тузиш, устувор лойиҳаларнинг биринчи навбатдаги рўйхатини тузиш
3. Комплекс раҳбари томонидан мурувват лойиҳаларининг устувор рўйхатини тасдиқлаш ва уни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (3а) ва Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган донорларнинг ваколатхоналари (3б) орқали донорларга (3в) юбориш
4. Қўшма дастур ёки лойиҳани ишлаб чиқиш ҳамда томонларнинг масъулияти тўғрисидаги икки томонлама битимни тайёрлаш
5. Лойиҳа тўғрисида ахборот тўпланишини таъминлаш, режа-жадвални тасдиқлаш ва лойиҳа бўйича ишлар бажарилганлиги тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни олиш
6. Мурувват лойиҳалари амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаментига ва Давлат статистика қўмитасига тақдим этиш
7. Устувор мурувват лойиҳалари амалга оширилиши тўғрисидаги якуний умумлаштирилган ахборотни Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаментига тақдим этиш

Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Мурувват лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш режа-жадвали

Лойиҳанинг номи _____ Бажарувчи _____ Лойиҳанинг режалаштирилаётган муддатлари: 200__ .

Т/р	Лойиҳа қисмининг номи	Натура кўрсаткичини ўлчаш бирлиги	Бажарилиш \ молиялаштириш ҳажми										
			Лойиҳа бўйича ҳаммаси	Режалаштирилаётган йил бошлангунгача	Режалаштирилаётган бир йилга				Прогноз				
	Бир йилга ҳаммаси				Шу жумладан чораклар бўйича				2-йилга	3-йилга	Ундан кейинги йилларга		
					І	ІІ	ІІІ	ІV					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	

Изоҳ: Лойиҳа қисмлари бўйича тадбирлар (ишлар турлари)ни бажариш ва молиялаштиришнинг режадаги ҳажмлари жадвалга қаср шаклида киритилади, тегишли ўлчов бирликларидаги натурадаги кўрсаткич сурат, маҳраж эса – валютадаги молиялаштириш суммаси. Натурадаги кўрсаткич деганда физик миқдорлар (узунлиги, ҳажми, массаси, миқдори ва ҳоказолар), ишлаб чиқилган ҳужжатлар (лойиҳа-смета ҳужжатлари, ҳисобот, хулоса ва ҳоказолар) ёки амалга оширилган ишлар (маслаҳат, семинар, хизмат сафари, харид қилиш, назорат, ҳужжатни тасдиқлаш ва ҳоказолар) назарда тутилади.

Мурувват ёрдами юклари қабул қилиниши, ҳисобга олиниши, аниқ йўналтирилган тарзда тақсимланиши ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби ҳамда мурувват лойиҳалари мониторинги тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Мурувват ёрдами бўйича ишларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисобот

Лойиҳанинг номи _____ Бажарувчи _____ Лойиҳанинг режалаштирилаётган муддатлари: 200__

Т/р	Лойиҳа қисмининг номи	Натура ифодасида иш турлари	Натурадаги кўрсаткичнинг ўлчов бирлиги	Натура ифодасида ишларни бажариш ҳажми				Ҳисобот чорагидаги ўзлаштириш ҳажми Сўм ёки АҚШ доллари	
				Йил бошидан бошлаб		Шу жумладан ҳисобот чорагида		режа	амалда
				режа	амалда	режа	амалда		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Изоҳ: Натурадаги кўрсаткич деганда физик миқдорлар (узунлиги, ҳажми, массаси, миқдори ва ҳоказолар), ишлаб чиқилган ҳужжатлар (лойиҳа-смета ҳужжатлари, ҳисобот, хулоса ва ҳоказолар) ёки амалга оширилган ишлар (маслаҳат, семинар, хизмат сафари, харид қилиш, назорат, ҳужжатни тасдиқлаш ва ҳоказолар) назарда тутилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарорига
4-ИЛОВА

Техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ва хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаги:

товарлар (асбоб-ускуналар) харид қилиш учун;

маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун;

халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва хорижий инвесторларнинг қарзлари ва инвестициялари жалб қилинган ҳолда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқиш учун;

таълим берувчи дастурлар (тренинг)ни амалга ошириш учун грантлар шаклида берилади.

3. Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

II. Техник кўмаклашиш лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги

4. Техник кўмакни оловчи вазирлик ёки идора (ижро этувчи агентлик) халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотлари томонидан техник кўмаклашиш гранти маъқулланиши тўғрисида ижобий қарор қабул қилгандан кейин икки ҳафта муддатда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган:

а) техник кўмаклашиш лойиҳасини амалга ошириш тадбирлари режасини;

б) грант маблағларини ўзлаштириш жадвалини тақдим этади.

5. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва минтақалари бўйича ахборотларни туркумлаш ва техник кўмаклашишдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар чоракда ҳисобот чораги охириги ойининг 25-қунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига техник кўмакни оловчилар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл бўйича тақдим этади (2-илова).

6. Олинган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тегишли ижро этувчи агентликларга давлат статистика ҳисоботининг шаклини юборди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси олинган ва ўзлаштирилган грант маблағлари тўғрисида ижро этувчи агентликлар томонидан тақдим

этилган маълумотлар асосида ҳар чоракда умумлаштирилган ахборот шакллантирилишини, шунингдек унинг тўлов баланси статистикасига киритиш учун тақдим этилишини таъминлайди.

8. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар чоракда маблағларнинг халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг тегишли ҳисоб рақамларидаги ҳаракати тўғрисидаги ахборотни олади, ушбу ахборот умумлаштирилади ва маълумотларнинг электрон базасига киритилади ҳамда техник кўмаклашиш лойиҳаларининг амалга оширилиши доимий мониторингини ва халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг грантлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маълумотларнинг электрон базасида сақланишини таъминлайди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикасида амалга оширилиши тўғрисидаги йўзма мониторинг ахборотини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

9. Грант маблағлари ҳисобига товарлар ва хизматлар сотиб олиш халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотлари томонидан белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ тендер асосида амалга оширилади ва улар учун ҳақ, қоидага кўра, улар қароргоҳларда очилган тегишли ҳисоб рақамларидан тўғридан-тўғри тўланади. Грант маблағлари Ўзбекистон Республикасида олувчилар ҳисоб рақамларига уларнинг фақат Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкида махсус очилган ҳисоб рақамларига тушади.

10. Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикасига олиб келинаётган товарлар (хизматлар)ни божхонада расмийлаштириш улар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган битимларга ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ижро этувчи агентликлар Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмаклашиш лойиҳаларини амалга ошириш доирасида олиб келинаётган товарлар (хизматлар) тушганлиги тўғрисида ахборот беради.

Товарлар (хизматлар)нинг халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмагига тегишлилиги тўғрисидаги хулоса зарурлиги Давлат божхона қўмитаси томонидан баён қилинган тақдирда божхонада расмийлаштириш мақсадида ижро этувчи агентликларга Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотлари ўртасидаги тегишли битимларни ўрганиб чиқиш асосида берилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги берилаётган хулосаларнинг ҳисобга олиниши ва уларнинг халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотлари билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган битимларига мувофиқлиги учун жавоб беради.

11. Техник кўмаклашиш лойиҳалари тугаллангандан кейин ижро этувчи агентликлар бир ой муддатда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига лойиҳанинг эришилган мақсадларини, иқтисодий самарасини, балансга қабул қилинганлиги ва етказиб берилган моддий-техника воситаларидан фойдала-

ниш йўналишларини акс эттирувчи техник кўмаклашиш лойиҳаси амалга оширилганлиги тўғрисидаги ижро этувчи агентликнинг раҳбари томонидан тасдиқланган якунловчи ҳисоботни, шунингдек лойиҳа натижаларини қўллашга доир чора-тадбирлар режасини тақдим этади.

III. Грант маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш

12. Грант маблағларини ўз вақтида ўзлаштириш ва улардан мақсадли фойдаланиш учун масъулият ижро этувчи агентлик раҳбари зиммасига юкланади.

13. Техник кўмаклашиш лойиҳалари амалга оширилишини кўриб чиқиш ижро этувчи агентликлар ва манфаатдор томонларнинг вакиллари таклиф этилган ҳолда ҳар чоракда камида бир марта Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан амалга оширилади.

14. Грант маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилишни кучайтириш мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги техник кўмаклашиш лойиҳалари амалга оширилиши бўйича ижро этувчи агентликлар фаолиятини белгиланган тартибда текшириш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банк ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳлар ташкил этишга ҳақлидир.

15. Ижро этувчи агентликлар томонидан грант маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш шунингдек юқори ташкилотлар томонидан зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси билан биргаликда амалга оширилади.

Техник кўмак, шу жумладан пул шаклида кўмак олган бюджет ташкилотлари белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларига грант маблағларидан фойдаланилишини акс эттирувчи ҳисоботни, бюджет маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисобот сингари ҳисобот тақдим этадилар.

16. Лойиҳани амалга ошириш жадвалидан орқада қолиш, грант маблағларидан самарасиз ва бошқа мақсадда фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментига уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади.

Техник кўмаклашиш маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланилишида, шунингдек техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилиши мониторинги олиб борилиши ва назорат қилиниши тартибини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник қўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш схемаси



Техник кўмаклашиш маблағлари мониторинги ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмагини олувчилар тўғрисидаги маълумотлар 200__ йил ___ чораги учун

<i>Маблағларни олувчи</i>	<i>Грантнинг тартиб рақами ёки коди</i>	<i>Грантнинг номи</i>	<i>Халқаро молиявий ва иқтисодий институт/ хорижий ҳукумат ташкилотининг номи</i>	<i>Грант маблағларидан фойдаланиш бошланган сана</i>	<i>Грант суммаси (минг АҚШ доллари)</i>
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири _____
200__ й. _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарорига
5-ИЛОВА

I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисида» 2000 йил 4 январдаги 1-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти томонидан Иқтисодиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари котибиятлари билан биргаликда» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментлари билан биргаликда» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Мурувват ёрдамидан ва беғараз техник кўмакдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 июлдаги 268-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 44-модда) «Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

II. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисида» 2000 йил 4 январдаги 1-сон қарорининг 1-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Мурувват ёрдамидан ва беғараз техник кўмакдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 июлдаги 268-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 44-модда) 1-банди, шунингдек қарорга 1 ва 2-иловалар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 128-модда) 8-банди, шунингдек қарорга 7-илова.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИНИНГ
ҚАРОРИ

351 Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
12 ноябрда 1521-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 22 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказишга доир масалаларни янада такомиллаштириш мақсадида ҳамда «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 15-моддасига мувофиқ Адлия вазирлиги ҳайъати, **қарор қилади:**

1. Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари:

муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича ўтказиладиган танловларни тўғри ташкил этилиши ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказилишини;

малака комиссиялари томонидан танловга оид қабул қилинган қарорларни ва бошқа маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига белгиланган муддатларда қатъий юборилишини таъминласинлар.

3. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари ҳамда жойлардаги малака комиссиялари раислари ва аъзолари муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танловларнинг одилона ва қонуний ўтказилишига шахсан жавобгардирлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Апелляция комиссияси (Е. Канъязов) малака комиссиялари томонидан муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танловларни ўтказилишида йўл қўйилган ҳар бир қонунбузилишни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилишини ҳамда бундай қонунбузилишга йўл қўйган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича Адлия вазирлигига аниқ таклифлар киритилишини таъминласин.

5. Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси (П. Саматов):

2005 йилнинг декабрь ойида мазкур Низом қоидаларини қўллаш бўйича ўқув семинари ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш учун танловлар ўтказиш бўйича малака комиссияларининг фаолиятини мунтазам равишда умумлаштириб борсин ва бу ҳақда ҳар ярим йилда Адлия вазирлигига ахборот бериб борсин.

6. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Н. Бурханов) ушбу ҳайъат қарорини давлат рўйхатидан ўтказсин ва Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

7. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (У. Аюбов) ушбу ҳайъат қарорини «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелдаги 33-сонли қарори билан тасдиқланган «Нотариус лавозимини таъсис этиш ва тугатиш ҳамда нотариус ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклатилсин.

Ҳайъат раиси, вазир Б. МУСТАФОЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 12 ноябрь,
35-сон

Адлия вазирлиги ҳайъатининг
2005 йил 12 ноябрдаги 35-сон қарори
билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ нотариусга муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартибини белгилайди.

Танловнинг асосий мақсади нотариуслик лавозимига чуқур касбий билимга эга бўлган, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга муносиб мутахассисларни танлаб олишдан иборат.

I. Умумий қоидалар

1. Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг топшириғига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда адлия бошқармаси деб юритилади) томонидан танлов асосида амалга оширилади.

2. Танлов Адлия вазирлигида вазирлик қошидаги апелляция комиссияси, адлия бошқармаларида эса — тегишли адлия бошқармаси қошидаги малака комиссияси томонидан ўтказилади.

Апелляция комиссияси ва малака комиссияси (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) фаолиятини ташкил этиш Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган мазкур комиссиялар тўғрисидаги Низомларга мувофиқ амалга оширилади.

3. Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов (бундан буён матнда танлов деб юритилади) нотариус лавозими бўш бўлган тақдирда ёки қўшимча (янги) нотариус лавозими таъсис этилганда ўтказилади.

4. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини фақат мазкур Низомда белгиланган тартибда ўтказилган танлов натижаларига кўра берилади.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бошқа тартибда бериш ёки танлов ўтказмасдан беришга йўл қўйилмайди.

5. Комиссия мажлисининг баённомалари ҳар бир нотариус лавозими учун алоҳида юритилади.

II. Танлов ўтказишни ташкил этиш

6. Тегишли адлия бошқармаси нотариус лавозими бўшаган ёки қўшимча (янги) нотариус лавозими таъсис этилган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай марказий ва маҳаллий рўзномаларда танлов ўтказиш тўғрисида эълон бериши шарт.

Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

танлов ўтказадиган адлия органининг номи;

танлов ўтказиладиган нотариус ваколатлари амал қиладиган нотариал округ;

танловда иштирок этувчиларга қўйиладиган талаблар. Ушбу талаблар мазкур Низомнинг 8-бандига мувофиқ эълон қилинади;

танловда иштирок этиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар ва уларни тақдим этишнинг охириги санаси. Бунда ҳужжатларни тақдим этиш муддати бир ой этиб белгиланади;

танлов ўтказиш жойи.

Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон қўшимча равишда марказий ва маҳаллий телевиденида, радио ҳамда интернет орқали берилиши мумкин.

7. Тегишли адлия бошқармаси танлов эълон қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хабар бериши шарт.

8. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаро малака имтиҳонини қайта топширганидан кейингина танловда иштирок этишга йўл қўйилади.

Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, Адлия вазирлиги ёки адлия бошқармасида нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ёки нотариал идораларда нотариус ёрдамчиси лавозимида ишлаб келаётганлар, лицензия олган вақтидан қатъи назар танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

9. Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс (бундан буён матнда та-

лабгор деб юритилади) тегишли адлия органига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- а) комиссия номига ариза;
- б) паспорт нусхаси;
- в) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
- г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- е) мазкур Низомнинг 8-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган талабгорлар — қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;

ж) Адлия вазирлиги ёки адлия бошқармасида нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорлар — тегишлича Адлия вазирлиги раҳбарияти ёки адлия бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланган ҳамда ушбу талабгорнинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;

з) охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Талабгор яшаш жойидан ёки лицензияни бошқа малака комиссиясидан олганлигидан қатъи назар танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этишга ҳақли.

10. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ҳужжатлар комиссиянинг масъул котиби томонидан қабул қилинади. Масъул котиб ҳужжатларни қабул қилиб олганлиги ҳақида талабгорга қабул қилиб олинган ҳужжатлар рўйхати ва санаси кўрсатилган маълумотнома беради.

Комиссиянинг масъул котиби талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас. Ҳужжатлар тақдим этишнинг охирги санасидан сўнг тақдим этилган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

11. Комиссия танловда иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси тугагандан сўнг беш кун ичида мажлис ўтказади. Мажлис комиссия аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этганда ҳақиқий ҳисобланади.

Мажлисида ҳар бир талабгорнинг ҳужжатлари алоҳида ўрганиб чиқилади ва мазкур Низомнинг 14-банди талаблари асосида талабгорларни танловда иштирок этишга қўйиш ёки рад этиш масаласи ҳал этилади.

Мажлис яқунларига кўра, шу куннинг ўзида комиссиянинг танлов ўтказиш тўғрисидаги ёки танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинади.

Комиссия мажлисида баённома юритилади, унда қуйидагилар кўрсатилиши шарт: мажлис ўтказиш жойи ва санаси;

мажлисида иштирок этган комиссия аъзолари;

танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этган талабгорлар рўйхати;

талабгорлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш натижалари, шу жумладан танловда иштирок этишга қўйилган ва танловда иштирок этиш рад этилган талабгорларнинг фамилияси, исми, ота исми, талабгорга танловда иштирок этишни рад этиш сабаблари ва асослари;

комиссия томонидан қабул қилинган қарор, шу жумладан, агар комиссия томонидан танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, танлов ўтказиш санаси, вақти ва жойи, танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда эса — қайта эълон беришга асос.

Мажлис баённомаси комиссия раиси, масъул котиби ҳамда мажлисда қатнашган бошқа комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

12. Қўйидаги ҳолларда комиссия томонидан танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида қарор қабул қилинади:

а) танловда иштирок этиш учун бирорта ҳам талабгор бўлмаса;

б) танловда иштирок этиш учун фақатгина битта талабгор томонидан ҳужжатлар тақдим этилган бўлса, мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мутасно;

в) танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра барча талабгорларга танловда иштирок этиш рад этилган бўлса;

г) танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра фақатгина битта талабгор танловда иштирок этишга қўйилган бўлса, мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мутасно;

д) мазкур Низомда белгиланган бошқа ҳолларда.

Танлов ўтказишга қайта эълон тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай берилиши лозим.

13. Агар қайта эълон берилгандан кейин ҳам танловда иштирок этиш учун фақат битта талабгор ҳужжат тақдим этган бўлса, у муқобил номзодсиз танловда иштирок этишга қўйилади.

14. Мазкур Низомнинг 8-бандида белгиланган талабларга жавоб бермаган ва танловда иштирок этиш учун 9-банднинг «а» — «з» кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим қилмаган талабгорга танловда иштирок этиш рад этилади.

Шунингдек, мазкур Низомнинг 35 ва 37-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, талабгорга танловда иштирок этиш рад этилади.

Бошқа сабабларга кўра танловда иштирок этишни рад этишга йўл қўйилмайди.

15. Комиссия танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, танловда иштирок этишга қўйилган ёки танловда иштирок этиш рад этилган ҳар бир талабгорга қарор қабул қилинган куннинг эртасидан кечиктирмай мазкур Низомнинг 1 ёки 1а-иловасига мувофиқ шаклда ёзма хабарнома юборади.

Комиссия томонидан танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, кейинги кундан кечиктирмай бу ҳақда талабгорларга мазкур Низомнинг 1б-иловасига мувофиқ шаклда ёзма хабарнома юборилади.

Талабгор тегишли ёзма хабарнома олгандан сўнг ўн кун ичида малака комиссияси қарори устидан апелляция комиссиясига шикоят қилиши мумкин.

16. Танлов тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кундан сўнг, лекин ўн беш кундан кечиктирмай ўтказилади.

17. Танловда иштирок этишга қўйилган талабгорлар рўйхати танлов ўтказилишидан етти кун олдин тегишли адлия органи биносида осиб қўйилади.

III. Танлов ўтказиш тартиби

18. Танлов комиссия томонидан талабгорларнинг касбий тайёргарлиги ва билимини аниқлаш мақсадида ёзма-оғзаки равишда ўтказилади.

19. Танлов комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган вақтдагина ҳақиқий ҳисобланади.

20. Агар танлов кунни талабгорларнинг барчаси келмаса ёки талабгор (талабгорлар) келмаганлиги оқибатида битта талабгор қолган тақдирда, комиссия танлов кунини бир ҳафтагача бўлган муддатга кечиктириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бу ҳақда танловда иштирок этишга қўйилган барча талабгорларга танлов ўтказиш жойи, санаси ва вақти кўрсатилган ёзма хабарнома юборилади.

Агар кейинги танлов куни ҳам талабгорларнинг барчаси келмаса ёки талабгор (талабгорлар) келмаганлиги оқибатида битта талабгор қолган тақдирда, комиссия танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

21. Танлов барча талабгорлар учун бир йўла бир хонада ўтказилади.

Танлов жараёнида комиссия аъзолари ва талабгорлардан ташқари бегона шахсларнинг ҳозир бўлишларига рухсат берилмайди.

22. Комиссиянинг масъул котиби мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳужжатлар асосида талабгорлар бўйича маълумот тайёрлайди ва комиссиянинг ҳар бир аъзосига тақдим этади.

Комиссия мажлисида масъул котиб унда иштирок этаётган комиссия аъзоларини ҳамда танловда иштирок этишга қўйилган талабгорлар рўйхатини, шу жумладан танлов куни ҳозир бўлган ва танлов куни келмаган талабгорларнинг рўйхатини ўқиб эшиттиради. Шунингдек, масъул котиб танлов ўтказиш тартибини, шу жумладан мазкур Низомнинг 26-бандида назарда тутилган талабларни батафсил тушунтиради.

23. Танлов ўтказиш тартиби тушунтирилгандан сўнг ҳар бир талабгорга мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда танлов варақаси, комиссия аъзоларига эса мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда баҳолаш бюллетенлари тарқатилади.

Баҳолаш бюллетенлари комиссия аъзоларига мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги рўйхат асосида тарқатилади.

Ҳар бир танлов варақаси танловда иштирок этаётган барча комиссия аъзолари томонидан имзоланган ва адлия органининг гербли муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Ҳар бир баҳолаш бюллетени адлия органи раҳбарининг имзоси ва адлия органининг гербли муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

24. Танлов билетидagi саволларга ёзма жавоб ёзиш ва улар бўйича оғзаки жавобга тайёрланиш учун икки соат вақт ажратилади.

25. Танлов 5 та саволдан иборат билет асосида ўтказилади. Танлов билетидagi саволларга ёзма жавоблар фақатгина танлов варақасига ёзилади. Талабгорга жавоб ёзиш учун танлов варақаси етарли бўлмаган тақдирда, унга қўшимча танлов варақаси берилади.

26. Танлов билетидagi саволларга тайёрланиш жараёнида талабгорларга қуйидагилар тақиқланади:

1) қонунчилик ҳужжатларидан, маълумот берувчи ва махсус адабиётлардан ёки бошқа материаллардан (маълумотлардан) фойдаланиш;

2) бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

3) ўз танлов варақасини топширгунга қадар танлов ўтказилаётган хонадан ташқарига чиқиш.

27. Танлов билетидagi саволларга жавоб тайёрлаб бўлган талабгор комиссияга жавоб беради. Комиссия аъзолари айрим жавобларни аниқлаштириш ҳамда талабгорнинг билим даражасини аниқлаш мақсадида саволлар бериши мумкин.

Талабгорнинг касбий тайёргарлиги у томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда талабгор бўйича тайёрланган маълумот асосида баҳоланади.

Комиссия аъзолари баҳолаш бюллетенида талабгорнинг саволларга жавобини ва унинг касбий тайёргарлигини алоҳида беш баллик тизимда баҳолайдилар. Бу асосда якуний балл чиқарилади.

Саволларга жавоб бериб бўлган талабгорга ўз танлов варақасини топширгандан сўнг хонадан чиқишга рухсат берилади.

28. Баҳолаш бюллетенида балларни ҳисоблаб чиқиш учун комиссия аъзолари орасидан 3 кишидан иборат ҳисоблаш гуруҳи тузилади.

Махсус қутида йиғилган баҳолаш бюллетенлари ҳисоблаш гуруҳи томонидан очилади ва улардаги баллар ҳисоблаб чиқилади. Ҳисоблаш натижаси комиссия аъзоларига эълон қилинади.

29. Энг кўп балл олган талабгор танловда ғолиб деб топилади.

Мазкур Низомнинг 13-бандида белгиланган асосларга кўра танловда иштирок этган талабгор танловда олиш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 50 фоизидан кам бўлмаган балл тўплаган тақдирдагина танловда ғолиб деб топилади. Агар ушбу талабгор танловда олиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 50 фоизидан кам балл тўплаган бўлса, комиссия танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

30. Баллар тенг бўлиб қолганда, танлов ғолиби энг кўп бир хил балл олган талабгорлар орасидан очиқ овоз бериш йўли билан аниқланади.

Энг кўп овоз олган талабгор танловда ғолиб деб топилади. Овозлар такроран тенг бўлиб қолса, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

31. Танлов ўтказиш бўйича комиссия мажлисида баённома юритилади ва у комиссия раиси, масъул котиби ва танловда қатнашган бошқа комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

Мазкур йиғилиш баённомасида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

танлов ўтказиш жойи ва санаси, танловнинг бошланиш ва якунланиш вақти;

танловда қатнашган комиссия аъзоларининг рўйхати;

танловда ҳозир бўлган талабгорлар ва танловга келмаган талабгорлар рўйхати;

ҳар бир талабгор томонидан олинган билет рақами ва ундаги саволлар мазмуни;

талабгор томонидан билетдаги саволларга жавоб берган ёки бермаганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

айрим жавобларни аниқлаштириш мақсадида комиссия аъзолари томонидан берилган саволлар ва талабгорнинг унга берган жавоблари мазмуни;

баҳолаш бюллетенларидаги балларни ҳисоблаш натижалари, шу жумладан ҳар бир талабгор томонидан тўпланган баллар;

танлов ғолиби мазкур Низом талабларига кўра овоз бериш йўли билан аниқланган бўлса — овоз бериш натижалари;

танлов ўтказиш жараёнига тааллуқли бўлган бошқа маълумотлар;

танлов якунлари бўйича комиссия қарори, шу жумладан танловда ғолиб деб топилган талабгор;

комиссия қарори устидан шикоят қилиш тартиби.

Талабгорлар томонидан тўпланган баллар, овоз бериш натижалари ҳамда комиссия қарори шу куннинг ўзида танловда иштирок этган талабгорларга ўқиб эшитирилади.

Танлов варақалари, баҳолаш бюллетенлари ва мазкур Низомнинг 23-бандига мувофиқ тузилган комиссия аъзолари рўйхати мажлис баённомасига илова қилинади.

32. Комиссиянинг баённомаси уч нусхада тузилади. Танловдан сўнг уч кун ичида баённоманинг бир нусхаси нотариусни тайинлаш тўғрисида буйруқ қабул қилиш учун адлия бошқармасига, иккинчи нусхаси маълумот учун Адлия вазирлигига юборилади. Комиссия баённомасининг учинчи нусхаси танлов бўйича йиғмажилдга тикилади.

Комиссия баённомасидан кўчирма унда иштирок этган барча талабгорларга берилади.

IV. Нотариус лавозимига тайинлаш

33. Комиссиянинг танлов якунлари бўйича қабул қилган қарори адлия бошқармаси томонидан танловда ғолиб деб топилган талабгорни нотариус лавозимига тайинлаш учун асос бўлади.

34. Танлов ғолибини нотариуслик лавозимига тайинлаш ҳақидаги адлия бошқармасининг буйруғи малака комиссияси қарори устидан апелляция комиссиясига шикоят бериш муддати ўтгандан сўнг чиқарилади.

Агар танлов апелляция комиссияси томонидан ўтказилган бўлса, танлов ғолибини нотариуслик лавозимига тайинлаш ҳақидаги адлия бошқармасининг буйруғи баённома жўнатилган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай чиқарилади.

Танлов ғолибини нотариуслик лавозимига тайинлаш ҳақидаги адлия бошқармасининг буйруғи нусхаси уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилади.

V. Танловда иштирок этишдан ёки нотариус лавозимига тайинланишдан воз кечиш.

35. Талабгор танловнинг ҳар қандай босқичида, шунингдек нотариус лавозимига тайинлаш тўғрисидаги адлия бошқармасининг буйруғи қабул қилингунга қадар танловда иштирок этишдан ёки нотариус лавозимига тайинланишдан воз кечишга ҳақли.

Бунинг учун талабгор тегишли адлия органига ариза билан мурожаат этиши лозим. Бундай талабгорлар бир йил давомида кейинги танловларга қўйилмайди.

36. Агар танловда ғолиб деб топилган талабгор нотариус лавозимига тайинлаш тўғрисидаги адлия бошқармасининг буйруғи қабул қилингунга қадар нотариус лавозимига тайинланишдан воз кечса, танловда мазкур талабгордан сўнг энг юқори балл олган талабгор комиссия қарори асосида нотариус лавозимига тайинланади.

37. Мазкур Низомнинг 20-бандига мувофиқ танлов куни келмаганлиги сабабли танловда иштирок этмаган талабгорлар бир йил давомида кейинги танловларга қўйилмайди, келмаганлик сабабини узрли деб топилган ҳоллар бундан мустасно.

VI. Танлов бўйича ҳужжатларни юритиш

38. Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича ўтказилган ҳар бир танлов бўйича материаллар тегишли адлия бошқармаларида (танлов апелляция комиссияси томонидан ўтказилган бўлса — Адлия вазирлигининг Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармасида) алоҳида йиғма жилдларда юритилади.

Танловни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар, ҳар бир танлов бўйича йиғма жилдларга тикилган ҳолда тегишли адлия органида (доимий сақланиши назарда тутилган комиссия қарори ва баённомасидан ташқари) ўн йил мобайнида сақланади.

VII. Комиссия қарорлари устидан шикоят қилиш

39. Талабгор малака комиссиясининг қарорлари устидан тегишли қарорни олгандан сўнг ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги апелляция комиссиясига шикоят қилишга ҳақли.

Шикоят тегишли танлов ўтказилган адлия бошқармаси орқали берилади.

Адлия бошқармаси шикоят қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай шикоят билан биргаликда шикоят қилинган танловга доир барча ҳужжатларни апелляция комиссиясига юборади.

40. Агар шикоят бериш муддати давомида Адлия вазирлиги томонидан танлов ўтказишда қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳолатлари аниқланса, мазкур масала, талабгорлар томонидан шикоят берилган ёки берилмаганлигидан қатъи назар, апелляция комиссиясига кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин.

Бундай ҳолда, апелляция комиссияси танловга доир барча ҳужжатларни тегишли адлия бошқамасидан кўриб чиқиш учун талаб қилиб олади.

41. Адлия бошқармаси танловга доир ҳужжатлар апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилгунга қадар нотариус лавозимига тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқармайди, агар шикоят танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисидаги қарор устидан берилган бўлса ва (ёки) апелляция комиссияси шундай қарорнинг қонунийлигини кўриб чиқаётган бўлса, мазкур эълонни бериш тўхтатиб турилади.

42. Апелляция комиссияси тегишли шикоятни кўриб чиқиш жараёнида шикоятда кўрсатилмаган, лекин тўғри қарор қабул қилиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни ўрганиб чиқиши ва инobatга олиши мумкин.

43. Апелляция комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилишга ҳақли:

а) малака комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад этиш;

б) малака комиссияси қарорини бекор қилиш ва малака комиссияси томонидан такроран танлов ўтказиш;

в) малака комиссияси қарорини бекор қилиш ва апелляция комиссияси томонидан такроран танлов ўтказиш;

г) малака комиссияси қарорини бекор қилиш ҳамда танлов ўтказишга қайта эълон бериш.

44. Малака комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

а) шикоят талабгор томонидан берилмаса ёки танловга тааллуқли бўлмаса;

б) шикоятда кўрсатилган вазрлар ўз тасдиғини топмаса ёки улар танлов ғолибини аниқлашга таъсир қилмаса.

45. Малака комиссияси қарорини бекор қилиш ва малака комиссияси томонидан такроран танлов ўтказиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

а) мазкур Низом талабларига кўра, танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш лозим бўлган ҳолларда, малака комиссияси томонидан танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса;

б) танловда иштирок этиш асоссиз равишда рад этилган бўлса;

в) талабгорлар ёки улардан бири танловда иштирок этишга асоссиз равишда қўйилган деб топилса ва бу танлов ғолибини аниқлашга таъсир қилиши мумкин деган хулосага келинса;

г) танловни ўтказиш жараёнида мазкур Низомнинг III бўлимида назарда тутилган қоидалар бузилган деб топилса ва бу танлов ғолибини аниқлашга таъсир қилиши мумкин деган хулосага келинса;

д) танлов ўтказиш жараёнида талабгорларнинг жавоблари ва (ёки) уларнинг касбий тайёргарлиги ноҳолис баҳоланганлиги тўғрисида асослантилган хулосага келинса;

е) танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича бошқа қонунбузилишлар ва ҳолатлар танлов ғолибини аниқлашга таъсир қилиши мумкин деган хулосага келинса, мазкур Низомнинг 47-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Такроран танлов ўтказиш тўғрисидаги апелляция комиссиясининг қарорида малака комиссиясининг бекор қилинаётган қарори, такроран танловда иштирок этадиган талабгорлар рўйхати, такроран танлов ўтказиш санаси кўрсатилиши шарт.

Такроран танлов ўтказиш тўғрисидаги апелляция комиссиясининг қарорининг нусхаси кейинги кундан кечиктирмай тегишли адлия бошқармасига юборилади. Адлия бошқармаси қарор нусхасини олгандан сўнг кейинги кундан кечиктирмай такроран танловга қўйилган талабгорларга бу ҳақда мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ёзма хабарнома юборади.

Такроран танлов тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай мазкур Низомнинг III бўлимида белгиланган тартибда ўтказилади.

Такроран танлов малака комиссиясининг янги таркиби томонидан ўтказилади. Малака комиссиясининг янги таркиби Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади ва такроран танлов ўтказиш кунига камида икки кун қолганда тегишли адлия бошқармасига юборилади. Янги таркибдаги малака комиссияси фақат ушбу нотариуслик лавозими учун танлов ўтказиш ваколатига эга бўлади.

46. Малака комиссияси қарорини бекор қилиш ва апелляция комиссияси томонидан такроран танлов ўтказиш тўғрисидаги қарор мазкур Низомнинг 45-банди «а» — «е» кичик бандларида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, бироқ малака комиссияси томонидан такроран танлов ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилса, қабул қилинади.

Апелляция комиссиясининг мазкур қарорида малака комиссиясининг бекор қилинаётган қарори, такроран танловда иштирок этадиган талабгорлар рўйхати, такроран танлов ўтказиш санаси, вақти ва жойи кўрсатилиши шарт.

Такроран танловга қўйилган талабгорларга бу ҳақда қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ёзма хабарнома юборилади. Ёзма хабарнома тегишли адлия бошқармаси орқали юборилиши мумкин.

Такроран танлов апелляция комиссияси томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай мазкур Низомнинг III бўлимида белгиланган тартибда ўтказилади.

47. Малака комиссияси қарорини бекор қилиш ҳамда танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисидаги қарор қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

а) мазкур Низом талабларига кўра, танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида қарор қабул қилиш лозим бўлган ҳолларда, малака комиссияси томонидан танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса;

б) апелляция комиссия танлов ғолибини фақатгина танлов ўтказишга қайта эълон бериш орқали одилона аниқлаш мумкин деган хулосага келса.

Бу ҳолда танлов малака комиссиясининг янги таркиби томонидан ўтказилади. Малака комиссиясининг янги таркиби Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади ва танлов ўтказиш кунига камида икки кун қолганда тегишли адлия бошқармасига юборилади. Янги таркибдаги малака комиссияси фақат ушбу нотариуслик лавозими учун танлов ўтказиш ваколатига эга бўлади.

48. Апелляция комиссияси шикоятларни кўриб чиқиш билан бир вақтда мазкур Низом талабларини бузилишига айбдор бўлган адлия идоралари ходимларининг айбдорлик даражасини аниқлайди ва айбдор шахсларни жавобгарлиги масаласини ҳал этиш бўйича тегишли адлия бошқармаси бошлиғи ёки Адлия вазирлиги аниқ таклифлар киритади.

49. Апелляция комиссиясига шикоят берган талабгор танловнинг ҳар қандай босқичида ўз шикоятини ёзма мурожаати асосида қайтариб олиши мумкин.

50. Комиссия қарорлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Муайян ҳудудда (нотариал округда)
нотариал ҳаракатларни амалга ошириш
ваколатларини бериш бўйича танлов
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

20__ йил «____» _____
_____ -сон

Талабгор _____ га
талабгорнинг Ф.И.О.

_____ талабгорнинг яшаш манзили

Х А Б А Р Н О М А

_____ қошидаги малака комиссиясининг
адлия органининг номи
20__ йил «____» _____ даги мажлисида _____
танлов ўтказиладиган нотариал округ
_____ лавозимига ўтказиладиган
ва нотариус лавозими (хусусий ёки давлат нотариуси)

танловда иштирок этиш учун тақдим этган ҳужжатларингиз кўриб чиқилди ва Сиз-
ни танловда иштирок этишга қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Танлов 20__ йил _____ куни соат _____ да _____
биносда _____ хонада ўтказилади.

Танлов куни келмасангиз, Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳара-
катларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби
тўғрисидаги Низомнинг 37-бандига мувофиқ кейинги танловларга бир йил давомида
қўйилмаслигингиз тўғрисида огоҳлантириласиз.

**Малака комиссиясининг
масъул котиби**

имзо

(Ф.И.О.)

Муайян ҳудудда (нотариал округда)
нотариал ҳаракатларни амалга ошириш
ваколатларини бериш бўйича танлов
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1а-ИЛОВА

20__ йил «__» _____
_____ -сон

Талабгор _____ га
талабгорнинг Ф.И.О.

_____ талабгорнинг яшаш манзили

Х А Б А Р Н О М А

_____ қошидаги малака комиссиясининг
адлия органининг номи
20__ йил «__» _____ даги мажлисида _____
танлов ўтказилаётган нотариал округ

_____ лавозимига ўтказиладиган
ва нотариус лавозими (хусусий ёки давлат нотариуси)

танловда иштирок этиш учун тақдим этган ҳужжатларингиз кўриб чиқилди.

_____ танловда иштирок этишни рад этиш сабаблари Низомнинг қайси бандлари
_____ бузилганлигини кўрсатган ҳолда санаб ўтилади

_____ сабабли
Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 14-бандига мувофиқ Сизга танловда иштирок этиш рад этилди.

Мазкур хабарномани олган кундан бошлаб 10 кун ичида вилоят адлия бошқармаси орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги апелляция комиссиясига шикоят қилишга ҳақли эканлигингиз маълум қилинади.

**Малака комиссиясининг
масъул котиби**

имзо

(Ф.И.О.)

Муайян ҳудудда (нотариал округда)
нотариал ҳаракатларни амалга ошириш
ваколатларини бериш бўйича танлов
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
16-ИЛОВА

20__ йил «__» _____
_____ -сон

Талабгор _____ га

талабгорнинг Ф.И.О.

талабгорнинг яшаш манзили

Х А Б А Р Н О М А

_____ қошидаги малака комиссияси
адлия органининг номи

танлов ўтказилаётган нотариал округ ва нотариус лавозими (хусусий ёки давлат нотариуси)

_____ лавозимига ўтказилаётган танлов бўйича

танлов ўтказишга қайта эълон бериш сабаблари аниқ кўрсатилиши лозим

_____ сабабли ҳамда
Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг _____ бандига мувофиқ танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қайта эълон бериладиган танловда иштирок этиш учун такроран ҳужжатлар топширишингиз мумкинлиги билдирилади¹.

Мазкур қарор устидан хабарномани олган кундан бошлаб 10 кун ичида вилоят адлия бошқармаси орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги апелляция комиссиясига шикоят қилишга ҳақли эканлигингиз маълум қилинади.

**Малака комиссиясининг
масъул котиби**

имзо

(Ф.И.О.)

¹ Танловда иштирок этиш куни келмаган ёки танловда иштирок этишдан воз кечган талабгорларга юборилган хабарномада мазкур хат боши ёзилмайди.

Муайян ҳудудда (нотариал округда)
нотариал ҳаракатларни амалга ошириш
ваколатларини бериш бўйича танлов
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Адлия органининг муҳри
(Танлов варақасининг ҳар бир варағи
муҳрланган бўлиши шарт)

_____ лавозимига танлов бўйича
нотариал округ ва нотариус лавозими (хусусий ёки давлат нотариуси)

ТАНЛОВ ВАРАҚАСИ

Талабгорнинг Ф.И.О. _____
Билет рақами _____

1-савол: _____

2-савол: _____

3-савол: _____

4-савол: _____

5-савол: _____

Жавоблар: _____

Комиссия
аъзоси: _____
(имзо)
Комиссия
аъзоси: _____
(имзо)
Комиссия
аъзоси: _____
(имзо)

Комиссия
аъзоси: _____
(имзо)
Комиссия
аъзоси: _____
(имзо)
Комиссия
аъзоси: _____
(имзо)

Комиссия
аъзоси: _____
(имзо)
Комиссия
аъзоси: _____
(имзо)
Талабгор: _____
(имзо)

(Танлов варақасининг ҳар бир варағида талабгорнинг ва комиссия аъзоларининг имзолари бўлиши шарт.)

Муайян ҳудудда (нотариал округда)
нотариал ҳаракатларни амалга ошириш
ваколатларини бериш бўйича танлов
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

адлия органининг номи

адлия органи раҳбарининг Ф.И.О., имзоми

Адлия органининг муҳри

_____ **қошидаги малака комиссиясининг**

адлия органининг номи

_____ **- сонли мажлиси**

БАҲОЛАШ БЮЛЛЕТЕНИ

_____ **лавозимига ўтказилаётган**

нотариал округ ва нотариус лавозими (хусусий ёки давлат нотариуси)

танловда талабгорларни баҳолаш натижаси

Талабгорнинг Ф.И.О.	Имтиҳон билетларига жавобларини баҳолаш¹	Касбий тайёргарликни баҳолаш¹	Якуний балл²

¹ Баҳолаш беш баллик тизимда амалга оширилади.

² Якуний балл талабгорнинг жавобларини ва касбий тайёргарлигини баҳолаш устунлари йиғиндисига тенг.

Муайян ҳудудда (нотариал округда)
нотариал ҳаракатларни амалга ошириш
ваколатларини бериш бўйича танлов
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

адлия органининг номи

адлия органи раҳбарининг Ф.И.О., имзоми

Адлия органининг мухри

_____ **қошидаги малака комиссиясининг**

адлия органининг номи

_____ **лавозимига ўтказилаётган**

нотариал округ ва нотариус лавозими (хусусий ёки давлат нотариуси)

танловда қатнашган комиссия аъзоларининг

Р Ў Й Х А Т И

20__ йил «__» _____

_____ ВИЛОЯТИ

№	Ф.И.О.	Малака комиссияси йиғилишига келганлиги ҳақида имзо	Баҳолаш бюллетенини олганлиги ҳақида имзо
1			
2			
3			
4			
5			
6			
7			
8			
9			

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 12 ноябрдан 18 ноябргача бўлган маълумот**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 2005 йил 12 ноябрдаги 35-сон қарори.*

2005 йил 12 ноябрда 1521-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 22 ноябрдан кучга киради).